

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСЛУБИЯТИ
КАФЕДРАСИ

Усмонов Шералининг

5141600-БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА СПОРТ-ТАРБИЯВИЙ ИШ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ
БЎЙИЧА БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН «Баркамол авлодни
шакллантиришда меҳнат тарбиясинин ўрни» МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

Гулистон пед.кол.
Мамарахимов Ш.

ГУЛИСТОН – 2011

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I-боб. Баркамол авлодни шакллантиришда бошлангич синф ўқувчиларини меҳнатга тарбиялашнинг педагогик асослари.....	7
1.1. Бошлангич синфларда меҳнат таълимини ўқитишнинг шакл ва методларидан фойдаланишнинг педагогик моҳияти	7
1.2. Бошлангич синфларда интерфаол методларини куллаш ўқитишнинг шакл ва методларидан фойдаланиш жараёни тадқиқот предмети сифатида.....	33
II-боб. Баркамол авлодни шакллантиришда бошлангич синф ўқувчиларини меҳнатга тайёрлашнинг шарт-шароитлари	44
2.1. Бошлангич синф ўқувчиларини меҳнатга тайёрлашнинг шакл ва усуллари.....	44
2.2. Тажриба синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказишш.....	49
Умумий хулосалар.	60
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	62

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мустақил Ўзбекистонинг маънавий соғлом ёш авлодлари, миллатнинг бўлажак ватанпарварлари, миллий ғурур, одоб, виждонийлик соҳибларини тарбиялаш вазифаси долзарб масалалардан биридир. Бу республикамизнинг миллий истиқлоли, мафкураси таълим муассасалари олдига қўйган долзарб буюртма бўлиб турибди.

Жумладан президентимиз И.А. Каримов томонидан 2010 йили “Баркамол авлод” йили деб эълон қилинганлиги бежиз эмас. Шу билан биргаликда юртбошимизнинг қатор асарларида ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш олға сурилган масалан, Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, Маънавий юксалиш йўлида ва бошқа кабилардир. [1,2,4,5,]

Баркамол авлод орзуси ("Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар). Баркамол шахс ва малакали мутахассисларни тарбиялаш жараёнининг муваффақияти учун замин яратувчи омиллар сирасида маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган, мутахассислик фанлари асосларини пухта ўзлаштирган, шунингдек, педагогик маҳоратга эга ўқитувчиларни тайёрлаш алоҳида ўрин тутди.

Зеро, ёш авлодни ҳар жиҳатдан камол топтириш, уларда муайян касбий фаолиятни олиб бориш лаёқатини шакллантириш ҳамда унинг етўқ мутахассис бўлиб етишишида таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар ўзига хос рол ўйнайди.

Меҳнат тарбияси унинг аҳамияти тўғрисида қомусий мутафаккирларимиз Ибн Сино, Фаробий, Нақшбандий, Кайковус, А.Навоий, Термизий каби алломаларимиз ўз асарларида меҳнат тарбиясини улуғлаб, ёшларни меҳнат қилишга, меҳнатнинг инсон фаолиятида ўрни ҳақида фикр билдиришган.

Республикамизда меҳнат таълими унинг тараққиётига кўпгина олимлар А.Варобьев, Н.Шодиев, Э.Чориев, Н.Нишоналиев, О.М.Маъзумов,

Р.Мавлонова, О.Магдиев, К.Давлатов, У. Толиповларнинг дарслик ва методик қўлланмалари чоп этилган. [6,8,11,15,16. 26,]

Бошланғич таълим йуналишида Мавлонова Р,Эгамов Х,Перевертен Г,Санакулов Х,Шмулевич Г ва бошқаларнинг дарсликлар, қўлланмалар мавжуд лекин тажрибадан маълумки кўпгина ўқитувчилар айнан ўқувчиларга меҳнат тарбияси оид кўрсатмалар кам. [10, 26, 27,] Ушбу муаммони эътибор кам эътибор берилмоқда шундан келиб чиқиб, тадқиқот мавзусини “Баркамол авлодни шакллантиришда меҳнат тарбиясининг ўрни “деб номладик.

Тадқиқотнинг мақсади: Баркамол авлодни шакллантиришда меҳнат тарбиясининг ўрни, шакл, метод ва воситалари .

Тадқиқотнинг объекти: Бошланғич синф ўқувчисини меҳнатга тарбиялашнинг шакл ва воситалари жараёни.

Тадқиқотнинг предмети: Бошланғич синфларда меҳнат таълимини ўқитишнинг шакл ва методлари мазмуни.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- 1.Баркамол авлодни шакллантиришда меҳнат тарбиясини амалга оширишнинг назарий-методологик асосларини белгилаш.
- 2.Бошланғич синфларда меҳнат таълимини ўқитишнинг шакл ва методларидан фойдаланишнинг синфларда методларидан фойдаланишнинг педагогик моҳиятини аниқлаш.
- 3.Бошланғич синфларда интерфаол методларини ташкил этишнинг объектив ва субъектив омилларини аниқлаш.
4. Тажриба синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказишш методикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари:-тадқиқот муаммосига оид педагогик, психологик ва методик адабиётлар мазмунини ўрганиш, назарий жиҳатдан таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг методологик асоси:

Ўзбекистон Республикаси ўзлуксиз таълим тизимининг мазмунини белгилаб берувчи директив-меъерий ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қабул қилинган меъерий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан илгари сурилган ғоялардан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари:

1. Баркамол авлодни тарбиялашда бошланғич синф меҳнат таълимини ташкил этишнинг педагогик асосларини белгиланди.
2. Бошланғич синфларда меҳнат таълимини ўқитишнинг шакл ва методларидан фойдаланишнинг синфларда методларидан фойдаланишнинг педагогик моҳиятини аниқланди.
3. Бошланғич синфларда меҳнат таълимини технологик ёндашув асосида ташкил этиш тизимини ишлаб чиқилди.
4. Баркамол авлодни тарбиялашда бошланғич синф меҳнат таълимини ташкил этиш ёрдамида, тажриба-синов ишлари амалга оширилди ва объектив, субъектив омилларини аниқланди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти:

Бошланғич синфларда меҳнат таълимини ўқитишнинг шакл ва методларидан фойдаланишнинг назарий-методологик асосларини белгилаш.

Бошланғич синфларда меҳнат таълимини ўқитишнинг шакл ва методларидан фойдаланишнинг синфларда методларидан фойдаланишнинг педагогик моҳиятини аниқлаш.

Тадқиқотнинг илмий фарази: бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқитишнинг шакл ва методларини куллагаш жараёнида таълим самарадорлигига эришиш мумкин, агарда:

-бошланғич синф меҳнат дарсларида таълим ва тарбия беришнинг дидактик имкониятларининг мазмуни, мақбул шакл, метод ва воситалар тизими асосланса; мавзуга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилса.

Тадқиқотнинг назарий асослари. Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқитишнинг шакл ва методларини ташкил этишнинг дидактик имкониятларининг мазмуни, мақбул шакл, метод ва воситалар тизими назарий асослари тадқиқ этилди;

- бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқитишнинг шакл ва методларини куллаш жараёнида таълим самарадорлигига назарий моҳияти асослаб берилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.

Баркамол авлодни тарбиялашда бошланғич синф меҳнат дарсларини урнига оид илмий назарий маърузалар тайёрлашда, меҳнат дарслари ёрдамида ўқувчиларини ватанпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ишлари амалга оширилди. иш тажрибаларини оммалаштирилди. Тарбиявий ишларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар:

- Бошланғич синф меҳнат дарсларида баркамол авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашнинг тизимли ёндошиш;

- баркамол авлодни тарбиялашда бошланғич синф меҳнат дарсларини ташкил этишнинг шакли ва методлари ҳамда самарадорликка эришиш йўлларини таъминлаш;

- Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш жараёнини фаоллаштириш шакллари ва методлари.

БМИнинг тўзилиши. БМИ кириш, икки боб, турт параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар, иловалардан иборат.

I-боб. Баркамол авлодни шакллантиришда бошланғич синф ўқувчиларини меҳнатга тарбиялашнинг назарий-методологик асослари.

1.1. Бошланғич синфларда меҳнат таълимини ўқитишнинг шакл ва

методлари.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон учун миллий-маданий анъаналар ва маънавий қадриятларни чинакам тиклаш даври бўлмоқда.

Тарихий меъморий ёдгорликлар Самарқанддаги Шоҳизинда, Имом ал-Бухорий мажмуаси, Бухородаги Нақшбандий мажмуаси, Хоразмдаги Ичан Қалъа каби кўплаб меъморчилик обидалари етук мутахассислар, усталар, меъморлар томонидан қайта тикланди.

Бугунги кунда республика ҳукуматининг қатор ҳужжатлари Ватанимизнинг ҳар томонлама жаҳон андозалари асосида ривожланишига қаратилмоқда. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданият, қадрият, миллий санъат намуналаридан, ота-боболар томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда. Шуларга қарамай, таълим тизимида «Устоз-шогирд» анъаналаридан фойдаланиш масаласи етарли даражада ўрганилмаган муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Таълим тизимида тайёрланаётган мутахассисларнинг фақат касбий кўникма ва малакаларига эмас, балки шахсий фазилатларига ҳам талаблар қўйилмоқда. Ўзбекистонда таълим тизими жараёнида ижодий фаол, маънавий бой шахсни шакллантириш учун барча шарт-шароитлар яратиб келинмоқда. Лекин, биз бугунги кунда етук мутахассислар тайёрлашда қулай шарт-шароитлар яратилган бўлсада, аجدодларимизнинг бой мероси ҳамда тажрибаларидан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. ккувмсАждодларнинг устоз-шогирд одоби ҳақида ёритилган адабиётлари ҳам етарли эмас. Бундан ташқари, таълим тизимида аждодларнинг бой тажрибалари, устоз-шогирд одоби анъаналари етарли ўргатилмаслиги талаба ёшларнинг ахлоқ-одобига ва билим даражасига, умуман уларнинг маънавиятини шаклланишига салбий таъсир этаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон

маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- маданий ва маърифий ишлар фаолиятини яхшилаш учун миллий-маданий анъаналар ва маънавий қадриятларни чуқур ўрганиш ҳамда, тўлиқ таҳлил эта олишнинг дастури ва режасини ишлаб чиқиш;

- тарихий меъморий ёдгорликлар ва ундаги асарларни мунтазам илмий ўрганиш учун тадқиқот марказини ташкил этиш;

- юқори малакали етук мутахассисларни жалб қилиш, илмий-амалий ҳамкорлик қилиш ва уларни ўз вақтида қўллаб-қувватлаш ишларини режалаштиш;

- илмий ходимларимизни ривожланган давлатларнинг олимлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб боришни йўлга қўйиш;

- ёшларни илмий тадқиқот ишларида эришган ютуқларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка тарғибот этиш;

- интернет тизими орқали миллий ва жаҳон маданиятини ўрганиш, янги илмий дастур ва лойиҳаларни тарғибот қилиш;

- доимий равишда республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар ташкил этиш;

- миллий анъаналар ва маънавий қадриятларни илмий татбиқ ва тарғибот этишнинг моддий базасини яхшилаш.

Ихтисослашган лицейлар, касб-хунар коллежлари, нафис санъат мактаблари замонавий таълим талаблари даражасида ташкил этилиб, фаолият кўрсатиб келмоқда. Лекин бу миллий маданиятларимиз ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган халқ амалий санъатининг барча турларини тўлиқ ўзлаштирилаяпти, дегани эмас. Кенг имкониятларга эга замонавий коллежлар лицейлар ва махсус мактаблар эндиликда амалий санъатнинг наққошлик, ганчкорлик ва ёғоч ўймакорлиги қаторида мисгарлик, зардўзлик, бешикчилик, пичоқчилик, дўппичилик, заргарлик, каштачилик, кулолчилик каби бошқа хунарларни ҳам ўз ичига қамраб олиш имкониятига эга.

Жойларда тарихий ёдгорликларни таъмирлашда табиий бўёқлардан, хом-ашёлардан, аждодларимизни бой тажрибалари, анъаналари ва технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Таъмирлаш ишларига юқори малакали ва тажрибали усталарни жалб этиш зарур. Баъзи жойларда таъмирлаш ишларини шошма-шошарлик билан бажарилиши, тажрибасиз усталар, хаттоки ёлланма ишчилардан фойдаланиш, аслига тўғри келмайдиган безалиши сунъий синтетик бўёқлардан фойдаланиш, ёғочларни яхши қуритилмасдан ишлатишлар содир бўлмоқда.

Ёшларимизни санъат мўзейларига ва меъморчилик обидаларига саёҳат қилишларини ташкил этиш, уларни маданий меросимизга, миллий анъаналаримизга, Ватанга бўлган муҳаббатини ошириш мақсадида қизиқарли, илмий асосланган видеофильмлар, электрон версиялар, театр саҳналари, учрашувлар ташкил этиш катта аҳамият касб этади.

Ҳар тамонлама етук, баркамол авлодни етиштиришда меҳнат тарбиясининг ўрни беқиёсдир. Инсоннинг кундалик турмуш тарзи меҳнат ва фаолияти билан боғлиқдир. Шу сабабли меҳнат бутун моддий ва маънавий бойликларнинг ижтимоий тараққиётининг негизидир. Меҳнат тарбияси шахсни ҳар тамонлама ривожлантиришнинг ажралмас қисмидир. Шунингдек, боланинг ҳар томонлама шакллантириш воситаси, унинг шахс сифатда улғайиш омили ҳамдир. Мунтазам қилинган меҳнат жараёнидаги бола ўз ақлини, иродасини, хиссиётини, характерини ривожлантириши мумкун.

Болаларни меҳнатни севиш руҳида тарбиялаш-бутун инсониятни тарбиялаш демакдир. Шу боисдан ёш авлодни меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш барча таълим-тарбия муассасалари фаолиятининг асосий негизи бўлиб қолмоқда.

Меҳнат фаолияти боланинг теварак-атрофидаги муҳитини, реал буюмларни англаб, билиб олишнинг мустаҳкам воситаси бўлиб, унга назарий билимларни қўлланиш имкониятини яратиб беради, унинг онгини ҳиссий тасаввурлар билан бойитиш.

Жумладан, меҳнатнинг ижтимоий ахлоқий аҳамиятига эътибор бериш, меҳнат ўқувчининг ёши, ҳаёт тажрибаси ва имкониятларига мос бўлиши, маеҳнат фаолиятлари ижодий ҳаракатда бўлиши, ўз вақтида тури касблар ҳақида маълумотлар бериб борилиши, меҳнат ақллари билан доимо суҳбат ва учрашувлар ташкил қилиш кабилар. Умуман олганда, меҳнат тарбияси ижтимоий тарбиянинг таркибий қисмидир. Меҳнат тарбиясининг бош ғояси шахсда маеҳнат фаолиятини ташкил этиш, кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, ижтимоий меҳнатни қадрлаш, меҳнатсеварлик хислатини тарбиялаш саналади. Инсоният томонидан яратилган барча моддий ва маънавий бойликлар, ижтимоий тараққиёт асосида, меҳнат фаолияти натижасидир. Жамиятда ташкил этиладиган меҳнат тарбияси ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ватан равнақи, эл юрт фарованлиги йўлида меҳнат қилиш, ривожланган демократик ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш жараёнида фаол иштирок этишга бўлган қизиқишини уйғотиш, ягона мақсад йўлида ҳаракат қилишга тайёрлашдан иборат жараённи ўз ичига олади. [15, 21, 23,]

Шарқнинг етук мутафаккирлари меҳнатнинг шахс камолоти, шунингдек, жамият ривожига рўлига юксак баҳо беришган. Зеро, меҳнат инсоннинг ҳам руҳан камолатга этишини таъминлайди.

Инсон ўз меҳнати билан моддий ва маънавий бойликларни яратиб берар экан, айна вақтда унинг ўзи ҳам шахс сифатида шаклланиб боради, чунки инсон аксарияти ҳолларда ўз меҳнат фаолияти билан ижтимоий муносабатлар субъекти (иштирокчиси)га айланади. Шу боис инсонни ёшлигиданоқ меҳнат фаолиятига жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий тарбияни ташкил этиш жараёнида меҳнат тарбияси ўқувчиларни руҳий ва амалий жиҳатдан меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга йўналтирилганлиги билан ўзига хос ўрин тутди.

Ижтимоий жамиятнинг умумий ва иқтисодий ривожланиши замонавий босқичда бунёд этувчи, яратувчи ҳамда ишлаб чиқарувчи шахсга нисбатан юксак талабларни қўймоқда, чунончи, меҳнатга нисбатан муҳим ижтимоий

бурч сифатида ёндашиш; ҳар қандай меҳнат фаолиятига нисбатан виждонан муносабатда болиш; меҳнат ва унинг маҳсулини кадрлаш; меҳнатни ташкил этишга жамоа усулида ёндашиш; доимий равишда ташаббуслар билан чиқиш; меҳнатни фаол, иждий ташкил этиш; ақлий ва жисмоний қувватга таянган ҳолда меҳнат қилиш иштиёқининг ички эҳтиёжига айланиши; меҳнатни илмий ташкил этиш; меҳнатга нисбатан асосий ҳаётий зарурат сифатида муносабатда бўлиш.

Меҳнатга, меҳнат қилишга руҳий таёргарлик қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

- а) меҳнатнинг мақсад ва вазифаларни англаш;
- б) меҳнат фаолиятини ташкил этиш рағбатини қарор топдириш;
- в) меҳнатни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Таълим муассасаларида меҳнат таълими ва тарбиясини олиб бориш махсус дасур асосида амалга оширилади. Меҳнат таълими дасури намунавий хусусиятга эга. Унда мактаб, ўқитувчи ва ўқувчилар меҳнат фаолиятини баҳолаш бўйича таълим ва тарбия натижаларига нисбатан давлатнинг минимум (энг қуйи) талаблари акс этади.

Меҳнат тарбияси жароёнида бу борадаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш мақсаднинг ўзи ва педагогик фаолиятнинг якуний маҳсули эмас, балки энг муҳим инсоний лаёқат-меҳнат қилиш лаёқатини ривожлантириш учун восита ҳисобланади. Шу боис бугунги куннинг талаби меҳнат таълимини ташкил этишда репродуктив методлар ролини камайтириб, юксак даражадаги мантиқий фикрлаш ҳамда яратувчилик асосини ҳосил қилувчи фаол тадқиқот методларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Меҳнат таълими ва тарбиясини ташқилий шакллари ўқитувчилар ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари ҳамда маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда танлашдилар. Меҳнат тарбиясини йўлга қўйишда шундай шакл ва методлардан фойдаланиш лозимки, натижада меҳнат инсоннинг энг севимли машғулотига айлансин, шахс меҳнат таълим ва тарбияси юқори ўринга қўйилиши лозим, оқибатда шахс қўлга киритилган

меҳнат муваффақиятидан қувониш, ўз кадр қимматини англаш ҳамда ўз меҳнатдан ғурурланиши тўғриси қарор топсин.

Меҳнат тарбиясига нисбатан янгича ёндашиш ўқувчилар тамонидан эгалланган билимларни амалиятда қўллай олишларини таъминлашга олиб келади. Бугунги кунда меҳнат тарбиясининг таркибий тўзилмаси ҳам ўзгармоқда, у ўзида тахника ва тахнологияларни тушуниш (тасаввур қилиш), амалий вазифаларни ҳал этиш кўникмаси ҳамда ҳолатларини ифода этади.

Меҳнат тарбиясини самарали ташкил этишда синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар муҳим ўрин тутаяди. Мазкур тадбирлар шахс учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали бўлиб, шахсни йўналтирувчи хусусиятга эгадир.

Меҳнат таълими ва тарбиясининг маҳсади ўқув ишларида меҳнатга нисбатан онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Мазкур мақсадни амалга оширишда бир қатор вазифаларни ҳал этиш талаб қилинади. Меҳнат тарбиясининг ташкил этишда ҳал этувчи вазифалар кўп қиррали бўлиб, у ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятига амалий ва ахлоқий таёргарликнинг барча томонларини қамраб олади. Меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил этишда қуйдаги вазифалар амалга оширилади;

1. Меҳнатнинг моҳиятини англашиш орқали ўқувчиларга меҳнатнинг шахс камолоти ва жамият тараққиётидаги ролини яратиб бериш;
2. Инсон меҳнати ҳамда меҳнат маҳсули бўлган моддий ва маънавий неъматларини қадирлаш, асраб-авайлашга ўргатиш;
3. Меҳнат қилишга нисбатан рағбати, шунингдек, муҳаббатни уйғотиш;
4. Ўқувчиларнинг меҳнатга ижтимоий бурч сифатида ёндашувларини юзага келтириш;
5. Меҳнат фаолиятини ташкил этишга онгли равишда, виждонан ёндашишни одатлантириш;
6. Меҳнат фаолиятини жамоа асосида ташкил этиш;
7. Меҳнатга ҳаётий зарурат, инсон фаолиятининг асоси сифатида муносабатда бўлиш;

8. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш борасида меҳнат кўникмаси ва малакаларини шакллантиришни юзага келтириш;
9. Ўқувчиларда меҳнатсеварлик хислатини тарбиялаш; ўз меҳнати самарасидан ғъурурланиш туйғусини шакллантириш;
10. Муаян касб-ҳунар сирларини ўзлаштиришга эришиш ва ҳокозолар.

Ёш авлоднинг меҳнат фаолияти қуйдаги йўналишларида ривожлантирилади ва таркиб топтиради: меҳнат ўйиндан ажралган ҳолда мусақил фаолият сифатида шакллантирилади; меҳнат фаолияти жараёнининг моҳиятини ўзлаштирилишига эришилади; меҳнат фаолиятининг турли шакллари вужудга келтирилади.

Ўқувчилар таълим жараёнида ва дарсдан ташқари шароитларда меҳнатнинг ижтимоий жамиятда тутган ўрни ва ролини, инсон камолатини таъминлаш омил эканлигини, шахсни қобилияти ва иқтидорини меҳнат жараёнида такомиллашиб боришини ҳаётий мисоллар ёрдамида билиб олишлари лозим. Меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил этишда бугунги кунда анъанавий ва ноанъанавий шакллардан фойдаланилмоқда хусусан, меҳнат байрамлари, ишлаб чиқариш кўрғазмалари, ҳашар, “моҳир кўллар” танлови, “Кувноқ шаҳар устаҳонаси”, ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари бригадалари, ёрдамчи хўжалик, “Ёш радио – техниклар станцияси” ва ижодий марказлар фаолияти, шунингдек, устоз – шогирд анъаналари асосида фаолият олиб борувчи яқка тартибдаги касб-ҳунар таълими ва бошқалар.

Меҳнат тарбияси тўғри йўлга қўйилган таълим муассасаларида ўқувчилар мактабга келган даслабки кунлариданоқ ўзларининг ёш ва психологик хусусиятларига мос меҳнат фаолиятига жалб қилинадилар. Бунда улар ўз-ўзига хизмат қилиш борасидаги энг оддий юмушларни бажарадилар (чунончи, синф хонаси озодалигини сақлаш, ўқув қуролларини таъмирлаш, китобларни елимлаш, ўқув анжомларини дарсга таёрлаш ва ҳокозолар).

Меҳнатга рухий, ахлоқий ва амалий тайёрлаш жараёнида ўқувчиларда меҳнатсеварлик, меҳнатни ташкил этиш жараёнида интизомга бўйсиниш, мақсадни амалга ошириш ёълида шижоат, қатъият кўрсатиш, ахлоқий-иродавий хусусиятлар тарбияланиб боради.

Меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил этишда жамоа асосидаги меҳнатни уюштириш муҳим масасалардан биридир. Зеро жамоа иштирокида ўқувиладиган меҳнат жараёнида ўқувчиларда дўслик, ўртоқлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик, жамоа меҳнат самараларидан қувониш каби хислатлар тарбияланиб боради. Шунингдек, уларда ташаббускорлик, ташкилотчилик, меҳнатга ижодий ёндашиш, жамоа манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш сингари ахлоқий сифатларнинг шаклланишига пойдевор қўйилади.

Меҳнат жараёнида ўқувчиларда меҳнат маданиятининг унсурларини ҳосил қилиб бориш муҳим талаблардан бири саналади. Меҳнат маданияти-бажариладиган ишга онгли муносабатда бўлиш, уни илмий жиҳатдан тўғри ташкил этилиши (пухта режалаштириш, вақтдан унумли фойдаланиш), иш ўрнини озода тутиш, меҳнат (иш) қуролларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, бошланган ишни натижалаш, унинг самарали бўлишига эришишга йўналтирилган фаолият кўсаткичидир. Меҳнат маданияти тушунчаси ўзида яна ўқувчининг мусақил ҳаракат олиб боришини, меҳнат қилиши ва дам олишини тўғри ташкил эта олишини ҳам акс эттиради.

Меҳнатга онгли муносабатни тарбиялашининг яна бир талаби ўқувчиларни илм-фан, маданият, техника ва технология борасидаги янгиликлардан бохабар этиш, уларга нисбатан қизиқишни ҳосил қилиш, бу борадаги лаёқат, қобилият ва иқтидорларини ошириб боришдан иборат.

Ўқувчилар меҳнат фаолиятининг турлари хилма-хил бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Маиший меҳнат;
2. Ўқув меҳнати ;
3. Ўқув ишлаб чиқариш меҳнати;
4. Ижтимоий- фойдали меҳнат ва бошқалар.

Болалар бажарадиган илк меҳнат тури маиший меҳнат бўлиб, у ўз-ўзига хизмат кўрсатишдан бошланади. Бола мактабгача бўлган давридаёқ ўз-ўзига хизмат кўрсатишга доир энг оддий меҳнатни бажариши, яъни кийим-боши, оёқ кийимини озода тутиши, ўйинчоқларини тартибга келтириши, зарур гигиеник талабларга риоя қилиши керак.

Оилада меҳнат тарбиясининг даслабки унсурлари қўланилади. Бола муайян ёшга тўлгач, катталарга ёрдамлашади, ўз имкониятларини англаб этади ва ўқув (таълим) меҳнатига мунтазам тайёрланиб боради.

Мактабда ўз-ўзига хизмат кўрсатишга доир қуйидаги меҳнат коринишлари давом эттирилади: синф хоналари ва мактаб биноси ховлисини озода сақлаш, тартиб-қоидаларга риоя қилиш, хонадаги гулларга қараш, уларни парвариш қилиш, гулхоналарда гулларни ўсириш, мактаб ошхонасида, спорт зали ва сув ҳавзаларида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш каби юмушларга ўқувчилар жалб этиладилар.

Маиший меҳнат ёки ўз-ўзига хизмат кўрсатиш меҳнатида меҳнатсеварлик, қатъийлик, ташаббускорлик, олгъа интилиш сингари фазилатлар тарбияланади.

Ўқув (таълим) меҳнати ўқувчиларнинг асосий меҳнат тури ҳисобланади. У боладан катта ахлоқий, иродавий ва жисмоний зўр беришни кучни таълаб қилади. Ўқув меҳнати фақат билим олишни билишга оид кўникмаларни қарор топтириб қолмай балки иштиёқ ва бетартибликни тарбиялашга ўқишга қизиқишга кўмаклашади ўқишга бўлган қизиқиш истак ҳамда ўқишдаги мувафақиятлардан хурсанд бўлишни хис этиш айнан мактаб партасидан тарбияланиб борилади.

Республикамиз мустақилликка кадам қуйган кундан бошлаб таълимга катта эътибор берилди бошлади жумладан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди ва уч босқичда амалга оширилмоқда.

Биринчи босқич-ўтиш даври бўлиб, у 1997-2001 йилларда яъни 4 йил давомида жоирй этилади. Бунда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини

сақлаб қолиш, унинг ривожланиши учун ҳуқуқий-меёрий илмий методик молиявий моддий шарт шароитлар яратиш лозим.

Иккинчи босқичда 2001-2005 йилларни ўз ичига олади. Бунда миллий дастурни кенг миқёсида амалга оширишга эришиш даркор. Тизим фаолиятнинг самарадорлигини меҳнат бозорини инobatга олиб, ижтимоий иқтисодий шароитларидан келиб чиқиб дастур ғоялари ва қоидаларига керакли ўзгаришлар киритилади.

Учинчи босқичда 2005 ва кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида ўзгарувчан ижтимоий иқтисодий шарт шароитларни этиборга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш зарур.

Бизга маълумки халқ таълимининг асосий бугунини **ўзлуксиз таълим тизими** ташкил этади.

Шунинг учун ҳам умумтаълим дарсларини мактабгача тарбия, бошланғич умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим тарзида тўзилса мактабга мувофиқ бўлади. Бунинг учун қуйидаги тизимни асос қилиб оламиз;

Биринчи ;мактабгача таълим. Уч ёшдан бошланиб, олти, етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулкчилик кўринишидан қаттай назар бошқа ҳил таълим ташкилотларида олиб борилади.

Иккинчи; умумий таълим. Бунда ўқувчиларга 5-9-синфлар доирасида таълим ва тарбия берилади.

Учинчидан; бошланғич таълим 1-4-синфларни ўз ичига олади. Бунда ўқиш олти, етти ёшдан бошланади.

Тўртинчидан; ўрта махсус билим ва касб хунар таълими. Ўқиш муддати уч йилдан кам бўлмаган муддатда давом этади. Олий мутахассис таълими бакалаврлик ҳам магистратурага бўлинади. Бакалаврлик йўналишидан бири бўлиб, баъзавий олий таълим бериш демакдир. Ундан ўқиш камида тўрт йил давом этиб, у олий маълумот ва таянч мутахассислик дипломини олиш билан тугайди. Магистратура аниқ мутахассислик бўйича

олий касбий таълим бўлиб, бакалаврлик негизида камида икки йил давом этади. Ундаги тахсил якуний классификацион давлат атестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиши билан ниҳоясига етказилади.

Аспирантура ва докторантура фан номзоди илмий даражаси негизида уч йил давочм этади, диссертация ҳимоя қилиш билан якунланади. Булардан ташқари янги тизимда, қўшимча касбий таълим қайта тайёрлаш ва малака ошириш масаласига ҳам катта эътибор берилиши керак.

Бу борада ишлаб чиқилган умумий ўрта таълим давлат стандарти меҳнат таълимининг мазмунини, таълим олувчилар билим, кўникма ва малакаларининг зарур ва етарли даражасини, ўқув юкламалари ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талабларини белгилаб беради.

Таълим мазмунининг зарурий ўзаги ҳисобланмиш таълим стандарти мамлакат ҳудудидаги турли ўқув муассасаларида таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади, ўқув юкламалари меъёрига келтирилади, ўқувчилар билимини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади.

Ўқувчи таълим стандарти билан чекланиши мумкин ёки билимларни чуқурроқ эгаллаш мақсадида мустақил равишда кенгроқ, чуқурлаштирилган билим олишга ва юқори рейтинг бали тўплаш ҳуқуқига эга. Натижада, қийин ёки ўқувчи хуш кўрмайдиган предметни ўрганишда унда стандартда белгиланган меъёр билан чекланишга имкон берилади. Бунда ўқувчи ўзининг қизиқиши, лаёқати, қобилиятини рўёбга чиқариш, ўзи учун энг мақбул йўлни онгли ва мустақил танлаш имконига эга бўлади.

Меҳнат таълимининг давлат таълим стандартлари ўқув-тарбия жараёнининг барча иштирокчилари учун мажбурий тайёргарликка қўйиладиган талабларнинг очиқ бўлишини назарда тутди. Таълим олувчилар учун шакл ва мазмун жиҳатидан тушунарли тарзда ифода қилинган мазкур талаблар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига олдиндан маълум қилинади.

«Кадрларни тайёрлаш бўйича миллий дастури»да бошланғич таянч ва ўрта умумтаълим босқичлари асосан, умум-меҳнат ва касб таълимини

чуқурлаштириб ўрганишга қаратилиши ушбу соҳанинг ҳозирги даврда янада долзарблигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда меҳнат таълими ўзининг илмий, назарий ва амалий, моддий-техник, ижтимоий педагогик муаммоларини ҳал этишда, унинг анъанавий мазмунини ислоҳ қилишда қатор номутаносибликлар ва зиддиятли ҳолатлар содир бўлмоқда:

- янги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий тўзимда рўй бераётган туб ўзгаришлар билан меҳнат таълимининг илмий-услубий, педагогик ва моддий-техник жиҳатдан истиқбол талаблари даражасида маъмурий таъминланишининг номутаносиблиги, ҳамда Республикада таълим жараёнининг моддий-техник таъминотини ишлаб чиқарувчи махсус корхоналарнинг етишмаслиги;

-меҳнат таълимини амалга оширишнинг асосий қисми бўлган умумтаълим бўғини билан ўзлуксиз таълимнинг бошқа бўғинлари- мактабгача тарбия, ўрта махсус ва олий таълим ҳамда кейинги босқичлари ўртасида ўзвийликнинг таъминланмаганлиги; меҳнат таълимининг ҳозирги кундаги анъанавий мазмуни, мақсади, шакли, воситалари ва услубларида республикамизнинг миллий, этник, худудий, тарихий хусусиятлари ва шарқона тафаккур мезонларининг акс этмаганлиги;

- меҳнат таълимининг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олиб, уни амалга ошириш механизмларининг педагогик, психологик, физиологик ва дидактик асосларининг ишлаб чиқилмаганлигида қуришимиз мумкин.

Умумий урта таълим мактабларининг бошлангич синфларида ўқитиладиган меҳнат таълими фанининг мақсади-ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, касблар билан дастлабки таништириш, касб танлашга тайёрлаш, меҳнатни қадрлаш, меҳнатга қизиқиш ҳамда меҳнатсеварликни шакллантириш орқали уларнинг касбгача тайёргарлигини 5-синф учун ўзвий боғланиш заминини тайёрлашдан иборат. Булар таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар ҳисобланади. Уларда

давлат таълим стандартларига асосланган йўналишлар мавжуд бўлиб, қуйидагича ифодаланади.

(Булар таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар ҳисобланади)

Таълимнинг мақсади - ўқувчиларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланишлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар асосларини (технологиясини) ўргатиш, уларни касб танлаш билан уйғунлаштириш орқали уларнинг касбгача тайёргарлигига замин тайёрлашдан иборат.

Тарбиявий мақсад-ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини эгаллашлари жараёнида меҳнат ва касбга муносабатларини юқори ахлоқий сифатларини, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва тадбиркорликни шакллантиришдан иборат.

Ривожлантирувчи мақсад меҳнат ва таълим машғулотлари жараёнида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, ахлоқий, бадиий-эстетик тарбия ва таълим бериш орқали уларнинг баркамол шахслар бўлиб етишишларига ёрдам беришдан иборат.

Назорат мақсади – ўқувчиларнинг дастурда белгиланган билим кўник-маларини Давлат таълим стандартларига биноан ўзлаштириш ҳолатини дастлабки оралиқ ва якуний назорат қилишдан иборат.

+уйи синфларда ўқувчиларнинг амалий фаолиятларига асосий эътибор берилади бунга укув вақтининг 80-85% ажратилади. Шунга карамай дастур ўқувчилар ишлов бериладиган материалнинг хоссалари ва уларни тайерланиш усуллари ишлатиладиган асбоблар улардан фойдаланиш қоидалари ўз меҳнати фаолиятларини режалаштириш меҳнат маданияти ва албатта хавфсизлик техникаси қоидалари хақида тегишли маълумотлар олишларини таказо этади.

Меҳнат топширикларини бажаришда укувчи курсатма кулланмалар уйинчоклар моделлар табиий материаллардан бумлар ясайдилар.

1-4-синфдаги барча фанларни ўқитиш, ўқувчиларни меҳнат қилиш ва касб танлаши билан ўзвий боғлаб тайёрлашдан иборат.

1-4-синфда меҳнат таълими фани мазмуни шартли равишда умумий меҳнат таълими тайёргарлиги унинг мазмунига мавжуд бўлган касблар атрофлича маълумотлари билан танишилган ҳамда шу ёшга махсус тайёргарлик қисмларидан иборат. Бу қисмлар ҳар бир дарс ва машғулотларнинг таркибига сингиб кетган бўлиб, уларни ўқитувчи ва услубчилар томонидан илмий услубий нуқтаи назаридан ҳисобга олган ҳолда, тахмин қилиб бериш, меҳнат таълими машғулотларининг аниқ мақсадга йўналтирилган бўлишини таъминлаш учун зарур меҳнат таълими дарсларини 1-4-синфда умумий ва бадиий меҳнат курси халқ амалий безак санъатлари соҳасидаги айрим касблар асослари билан таништиришни назарда тутди. Бу курс бўйича машғулотлар мазмуни бажарилаётган меҳнат жараёнининг ажралмас қисми бўлган амалий эскизлар, жадваллар, расмлар, нақшлар ишлаш ва айрим дизайнерлик қоидаларини ўргатишдан иборат. Шу нуқтаи назарга асосланган ҳолда 1-4-синф меҳнат таълими ўқув фани таркибига қуйидаги курслари киради:

1. Умумий ва бадиий меҳнат;
2. Амалий ишлар тайёрлаш тартиби технологик асослари.

Ушбу йўналишнинг ҳар бири юзасидан қуйидаги мавзулар бўйича ўзоро уйғунлаштирилган назарий билимлар берилади ва амалий иш кўникмалари шакллантирилади.

1. Материалшунослик асослари.
2. Асбоб-ускуналар ҳақида маълумот ва уларни ишлатиш усуллари.
3. Миллий хунармандчилик касблари бўйича умумий маълумотлар ва ўзоро турдош касблар бўйича дастлабки тайёргарлик ҳамда уларни 5-синфда ўзоро уйғунлаштирилган ҳолда интеграциялаштириб ўқитиш жараёнида амалга ошириб борилади. 1-4-синфда таълим олувчиларнинг ижтимоий дунёқарашларини кенгайтирган ҳолда олиб борилади. Улар касб-хунарни онгли равишда танлашга йўналтириладилар.

Бунда ўқувчиларнинг танлаган касбларига нисбатан қизиқишлари шу касблар уларнинг майилларига мувофиқ ва қобилиятлари турларига мос

бўлишини, касб танлашнинг онгли ва мустақил равишда амалга оширилишини, ўқувчилар шахсий интилишлари ва имкониятларини жамият эҳтиёжлари билан мос келишини таъминлаш лозим. Бу вазифа табиийки 1-4-синфга келганда ҳал қилинади деб тушунилмаслиги лозим. Аслида касбга йўналтирилишлари ўқувчилар билан 1-синфдан бошлаб барча фанлар мавзулар ўзвий боғлиқлиги асосида уларга касблар турлари билан таништириш ҳамда табиат, одам-техника, одам-одам, одам-билим тизим, одам бадий образ типларининг қайси бирига мос эканлигини аниқлаш ҳамда шу йўналишида ривожлантириб бориб жараённинг натижаси ҳисобланади.

1-4-синфда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари маҳаллий ихтиёжлар ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек исдиқболларини белгиловчи чамбарчас иборалар тавсиялари асосида ҳамда маҳаллий касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. 1-4-синф меҳнат таълими дарсларида ўқувчида касб турларига оид билим, кўникма ва малакаларни мактаб жойлашган ҳудуддаги имконият ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда танланадиган касб, асосида шакллантирилади. Ҳозирги шароитни ҳисобга олган ҳолда кўпроқ мактабларда меҳнат таълими машғулотларининг мазмуни асосида миллий хунармандчилик касблари йўналишида олиб борилади. Йирик саноат ишлаб чиқариш ривожланган ҳудудлардаги мактабларда меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларни шу саноат соҳасига оид замонавий касбларга йўналтириш имкониятлари яратилиши лозим.

Ташкилий вазифалар. Меҳнат таълими бўйича назарий ва амалий машғулотлар учун ўқув хонаси ҳамда унда махсус иш жойи ташкил қилиш ва уларда хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини ташкил қилиш. Ўқувчиларни машғулотлар учун зарур материаллар ҳам ашёси, асбоблар билан таъминлаш масалалар механизмлари билан ишлашларни ташкил қилиш.

Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режасида меҳнат таълими ўқув фанига 1-4 синфларда ҳафтасига 1 соатдан, 5-7 синфларда ҳафтасига 2

соатдан ва 8-9 синфларда ҳафтасига 1 соатдан, ҳаммаси бўлиб 4-8 соат вақт ажратилади.

Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида касб-хунарга йўналтиришни янада кучайтириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш асослари, ёғочга, металлга ва газламага ишлов бериш технологияси, пазандачилик асослари, қишлоқ хўжалик асослари, бадий меҳнат технологияси ва машина элементлари йўналишлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш кўзда тутилади. Мактабларда меҳнат таълими мазмуни асосан қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади.

1. I-IV синфлар кенг кўламда ишлатиладиган турли хил оддий материаллар (қоғоз, рангли қоғоз, картон турлари, калька, поралан, пеноплас, пахта ва матолар қийқимлари, пластилин, симлар ва бошқалар) билан таништириш улардан ўйинчоқлар ва оддий буюмлар ясаш, халқ хунармандчилиги тўғрисида бошланғич тўшанчалар бериш, ўқувчиларини ўз-ўзига ҳизмат кўрсатишга одатлантириш, уй-рўзғор буюмларининг кичрайтирилган нусхаларини моделлар, макетларни тайёрлашни, турли хил шакллар меҳнат таълими дарсларига ажратилган ўқув соатларини яна бир соатга ошириш мақсадга мувофиқдир, чунки 1 соат давомида ўқувчиларга бажарадиган ишлари тўғри-сида умумий назарий маълумотлар берилса, кейинги соатда эса айtilган иш ҳаракат усуллари амалда бажарилади, буюмларни ясаш усуллари, услублари ўрганилади.

3. V-IX синфларда меҳнат таълими ва касбларга йўналтириш 5 асосий йўналиш бўйича ташкил этилади ва 4-7 синфларда ҳафтасига 2 соат, 8-9 синфларда ҳафтасига 1 соат меҳнат таълими дарсларини ўқитилади. Ёғочга ишлов бериш технологияси. Металлга ишлов бериш технологияси. Газламага ишлов бериш технологияси. Пазандачилик асослари. + ишлоқ хўжалик асослари. Меҳнат таълими тамойиллари таълим бериш назариясини бошланғич қоидалари бўлиб улар ўқув ишларининг мазмунини унинг ташкилий формаларини ва ўқитувчи меҳнат дарсини тайёрлаш ва ўтказиш вақтида амал қилиш лозим бўлган методларини

белгилаб беради. Меҳнат таълим тамойиллари ўқувчиларнинг тарбия мақсадларидан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятларга эга.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки таълим жараёни моҳияти турли олимлар томонидан турлича тушунишганлиги сабабли дидактиканинг айрим тамойилларини талқин қилиш ҳам шуннигдек уларни баён қилиш тўзилиши ҳам турлича бўлади. Меҳнат таълими тамойилларини баён қилишда уни жуфтлаб ўрганиш принципини тўғри деб ҳисобламоқ керак. Шундай қилганда меҳнат таълими дидактиканинг айрим тамойиллари ўртасидаги муайян объектив мавжуд алоқани кўрсатиш имконияти туғилади.

Дидактика педагогиканинг таълим жараёнини умумий қонуниятларини ўрганадиган қисмидир. Дидактика грекча сўз бўлиб сабоқ бермоқ сўзидан келиб чиққан. Сўзма-сўз таржима қилинганда дидактика таълим назарияси демакдир. Дидактика хусусий методикалар билан боғланган ҳолда барча ўқув фанлари учун умумий қонун қоидаларини белгилаб беради. Меҳнат таълимини ўқитиш услубияти фанидан тамойиллар меҳнат дарси жараёнида қандай тадбиқ этилиши кўриб чиқамиз улар қуйидагича: Онглилик ва фаоллик. Илмийлик системалилиги. Назария билан амалиёт бирлиги. Таълим ва тарбия бирлиги. Кўрсатмалилик. Ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш. Изчиллик. Политехник. Меҳнат таълими ўқитувчиси шуни унутмаслик керакки ҳар қандай амалиёт машғулотда юқорида санаб ўтилган меҳнат таълими тамойилларидан битта ёки иккитасини эмас балки ўқувчиларга ўқув материални сифатли ва тўла етказиб бериш имконини берадиган дидактик тамойиллар системасига амал қилинади. Меҳнат таълими ўқитувчининг маҳорати меҳнат дарсида барча дидактик тамойиллардан усталик билан фойдалани билиши ва уларни тўғри боғлаб олиб бориши намоён бўлади.

Онглилик ва фаоллик –ўқувчи бажараетган ишини мазмунини яққол тасаввур қилгандагина ишга онгли равишда киришади. Бу принциплар ўқувчилар дунёқарашини шакллантиради.

Илмий принципи-ҳозирги замон технологик илғор ишлаб чиқариш технологияси билан танишадилар, илмий принципи терминларни тўғри ишлатишга ўргатади.

Системали принцип –ўқув материалнинг тўғри тақсимлаш яъни маълум технологияларини бажаришга ўтишни талаб қилади.

Назария билан амалиёт бирлиги–назарияни амалиёт билан боғлашнинг ҳар ҳил формалари мавжуддир (лаборатория ишлари, экикурсия, амалий ишлар) бу билан биз ўқувчилардаги билимни сифатини оширишга эришимиз.

Таълим ва тарбия бирлиги принципи-ўқувчи фақат билим кўникма ва малакаларини эгаллабгинина қолмай балки ҳар жиҳатдан мукамал тарбияланади.

Кўрсатмалилик принципи –ўқитиш жараёнида ўқувчиларда малака ва кўникмалар ҳосил қилиш учун меҳнат жараёнлари кўрсатиш кенг қўлланилади. Кўрсатмалилик ўқувчиларни қизиқишини ортиради ва қизиқтиради. Ўтилаётган дарсни яхши эсда сақлаб қолишга ёрдамлашади. (плакат, намуна, деофилм)

Ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш деб у ёки бу ўқувчининг хусусиятларини ўрганиб амалий иш жараёнида ўқувчиларни улғайишларга ёрдам беради.

Изчиллик принципи-бу принцип дидактика қоидаларга амал қилишни талаб этади: Оддийдан мураккабга, маълумдан-номаълумга. Мавзуларни ўтишда ёки технологик муаммоларини етишда ўқитувчи дарсни шундай режалаштириш керакки ўқувчиларнинг ҳаммаларига тушунарли бўлсин. Бунда ҳам ўқувчиларни ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳисобга олиниши керак.

Политехник принципи-бу принцип таълим тарбияни ишлаб чиқариш асослари билан боғлаб яъни таништириб олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу принцип орқали биз ўқувчиларни халқ хўжалигига керак бўлган касблар бўлган касблар билан таништирамиз

Ўқитувчининг ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш ва ўқувчилар томонидан уларни ўзлаштириш усуллари ўқитиш методи деб юритилади.

Ўқитиш методини дарс жараёнида қандай ва қайси тўрини қўллаб олиб боришига ўқитиш формаси дейилади. Ўқитиш форма ва методлари таълим тўғрисидаги қонун кадрлар тайёрлаш миллий дастури фаннинг олдида ўқитиш форма методларини такомиллаштириш муаммоларини қўймоқда. Замонавий фан техника тараққиёти ўзгариб борган сари меҳнат таълими методларининг янги усуллари пайдо бўлмоқда масалан олдинги вақтда ўқитишнинг догматик ёд олиш усули бўлган ҳозирги кунда эса янги педагогик технологиялар замонавий педагогик технологиялар муаммоли ўқитиш ахборот технологиялари кириб келмоқда ўқувчиларга янги билимлар бериш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш билимларни амалда қўллаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Меҳнат кўникма ва малакаларни шакллантириш меҳнат методикасида жуда катта ўрин тутаяди. Меҳнат таълими дарсларида амалий машғулотни бажариш купрок вақтни 80-85%ни таршкил этади.

Меҳнат таълими методларини бутун системасини 5 гурпуага бўлиш мумкин. Улардан ҳар бири ўз навбатида бир қанча методларини ўз ичига олади.

- I- оғзаки методлар.
- II- Кўрсатмалли методлар
- III- Амалий методлар
- IV- Муаммони ўқитиш методлари
- V- Билимлар меҳнат кўникмалари ва малакаларини текшириш методлари.

Шуни таъкидлаш керакки меҳнат жараёнида умумий дидактик характерга эга бўлган кўпгина машғулотларга фойдаланади. Бироқ меҳнат усулларини амалга кўрсатиш меҳнат усуллари бажаришга оид машқлар амалий ишларни бажариш каби методлар фақат меҳнат таълимга хос бўлган методлар.

Меҳнат таълими методлари қуйидагилардир

1. **Мантиқий методлар.** Оғзаки баён қилиш.Сухбат

2. **Кўрсатмалилик.**Намойиш қилиш.Амалий кўрсатиш.Экскурсия

Амалий методлар.Лаборатория амалий методлари..Машқ методи.Техник адабиётлар ва ҳужжатлар билан ишлаш.Инструктаж методи

Муаммоли ўқитиш

Программалаштирилган таълим

Мантиқий ўқитиш методларини ўзига хос хусусиятлари шуки, унда ўқитиш жараёнини ўқитувчининг меҳнат усулларини намойиш қилиш ва ўқитувчиларни унга таҳлид қилиш асосида ташкил топади. Асосий шартлар қуйидагилардан иборат:

Топшириқни аниқлаш, уни мақсади ва бажаришни тушунтириш.

Ўқитувчиларда зарур билимларни мавжуд бўлиши. Таълим методи ва усулларини шакллантираётган кўникма ва малакаларни хусусиятларига мослаш.Инструктажнинг самарадорлиги. Машқлар етарли миқдорда бўлиши.

Ўқувчилар фаолиятини ўз вақтида объектив баҳолаш, ўқувчиларни баҳолаш натижаларидан хабардорлиги.

Ўқувчилар фаолиятини фаол характери.

Материални оғзаки баён қилиш бу ўқув материални шундай баён қилишни назарда тутадик бунинг натижасида Янги техника ва меҳнат тушунчалари очиб берилади. Меҳнат ва технология жараёнлари ҳақидаги техник иқтисодий маълумотлар ўрганиб чиқилади, умуман меҳнат усуллари ва топшириқларини бажариш юзасидан тушунтиришлар берилади. Бу метод асосида ўқитувчининг жонли сўзи ётади. Бу эса ўқувчиларга кучли имоциолнат таъсир кўрсатади уларнинг тасаввурларини бойитади. Ижодий фикр юритишга ундайдиу кўпгина шахсий ижобий сифатларни таркиб топтиришга ёрдам беради.

Баён қилинаётган материал ўқувчиларини тушуниши учун қийин бўлган Янги маълумотлар хабар қилинган. Меҳнат усулларини бажариш йўлларини тушунтириб бериш талаб қилинган ҳолларда оғзаки баён қилиш методлардан

фойдаланилади. Ўқитувчи оғзаки баён қилиш жараёнида ўз ёзувлари ҳисоблаб эскизлардан кенг фойдаланади.

Ўқув материални баён қилишмунтазам, мантиқан, изчил ва туггаланган бўлиши керак. Бунда ўқувчилар материални осон англаб олиши учун ўқитувчи вақти-вақти билан ўз тушунтиришини ўқувчиларга саволлар бериш билан булиб туриши уларнинг ўзлаштиришини диққатини текшириш керак

Сухбат бу меҳнат таълимнинг шундай усуллари унда ўқитувчи тугри куйилган саволлар ердамида ўқувчиларда илгари ўзлаштирилган билим-ларини эсгатуширади ва у асосда мустақил равишда Янги билимлар ҳосил қилишга ундайди меҳнат таълими методи булган сухбатдан янгиматериални урганиш вақтида шунинг учун фойдаланиладики ўзлаштирилган билимлар ва Амалий тажриба унинг базаси булиб хизмат қилиши керак Билимлар амалиқ тажрибалар мавҳум булмасдан мазмун жихатидан ҳам характер жихатидан ҳам боғланган булиши яъни умумийликка эга булиши лозим Ўқувчиларнинг Янги ўқувматериални сухват усули билан урганиши ўқитувчидан Машғулотга пуҳта тайёргарлик кўришни талаб қилади. Демак меҳнат дарсларида фойдаланадиган сухбат методининг авзаллиги шундаки у ўқувчиларнинг билишга оиб қибилитларини ўрганишга ёрдам беради уларнинг фикрини ниҳоятда фаолаштиради.

II кўрсатмали методларни асосан ўрганиладиган объектлар жараёнлар ва уларнинг тасирини намайиш қилиш ва ўқув қуроллари билан ишлаш каби услари орқали амалга оширилади кўрсатмалилийлик кўпинча ўқув материалга иллюстрация сифатида эмас, балки унинг ўзи билан билим манбаи бўлиб кўп ҳолларда эса кўникма ва малакаларини шакллантириш усули бўлиб хизмат қилади.

Амалий методлар инструктаж ва машқлар орқали амалга оширилади. Шу нуқтаи назарда инструктажга қуйидаги 2 талабларни қараб чиқиш мақсадга мувофиқ.

1. Инструктаж жараёнида талимининг ҳар хил метод ва усулларини омилкорлик билан комбинациялаш.
2. Инструктаж мазмунини ўқитувчи асослаши
3. Инструктажда шундай кўрсатмалар бўлиш керакки ўқувчилар улар ердамида ўз фаолиятларини назорат қила олиш лозим.

Инструктажни куйидагиларга ажратамиз кириш, жорий ва якуний

Муаммоли таълим ғоялари ҳар хил сабабларга кўра ҳали меҳнат таълимида кенг қўлланилаяпти. Бунинг сабаби меҳнат дарсларида муаммоли таълимнинг самараси йўлларни излаш мумкин. Ўқувчилар ҳамма ўқув материалларини муаммоларини мустақил ҳал қилиши йўли билан ўзлаштириш учунгина муаммоли таълим дейилади.

Муаммоли Амалий топширишқлар ҳам маълум ва номалумни ўз ичига олади, аммо ҳаракат усуллари билан боғлиқ бўлади. Бунда топшириқларни бажариш натижасида ўқувчи Янги ҳаракат усулини топиши ёки маълум усулни Янги шароитларда қўллаш керак. Меҳнат таълими жараёнида ўқитишнинг ҳар хил методларидан фойдаланилади. Таълим методларини танлаш аввало укув матиралининг ва укув вазифалари характериға боғлиқ. Илмий техник тафаккурнинг борган сари усуви ва ёшларнинг фан техниканинг жушхин ривожланишида фаол иштирок этишлари фақат таълим мазмунини эмас, балки уқитиш жараёнининг усули ва ташкил этилишини, уқишға кизиқишни, ижодий қобилиятни, эгалаган билимларни амалда қўллай билишни ривожланиш мақсадларида янада такомиллаштиришни ҳам талаб қилади.

Уқитиш методлари – бу ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгалашларига эришилади.

Ўқитувчи ўз амалиётида ўқитишнинг хилма хил усуларидан фойдаланиш мумкун. Битта дарснинг ўзида турли усулларнинг қўллаши мумкин.

Таълим методлари куйдаги асосий талабларға мос қилиши керак.

1. Мазмуннинг тугрилиги. Уқувчиларга айтиладиган факитлар уқув праграммасининг мазмунига мос келиши ва илмий асосланган булиши керак. Куп микдордаги фактларга кизикиб кетмаслик лозим.
2. Аниклик ва исботлилик. Меҳнат таълимининг мазмуни одатда ўқувчилар танишадиган назорат коидаларни ва меҳнат усулларни бажариш коидаларини киска, аммо аник ва ишончли асослаш эмоционалигги.
3. Баённинг эмоционалиги. Агар ўқитувчи ўзи баён килаётган материалга локайд муносабатда булса, бу хол ўқувчиларга ҳам утади ва аксинча, ўқитувчи материални таъсирчан йусинда баён килсалар фактлар тугри танлаш бунга ердам беради, у холда ўқувчилар янги маълумотларни яхши идрок киладилар ва хотираларида яхши саклаб коладилар.

Ўқитувчи нутк маданияти, унинг ўқувчилар тушуна оладиган булиши зарур. Укитиш методлари доим ҳам замонавий мактабларда кулланганидек булавермаган. Мактаб ривожланиб борган сари укитиш методлари ҳам ўзгариб борган. Огзаки баён килиш методи икки формада мавжуд булиши мумкин: 1.Монологик баён килиш, бунда факат ўқитувчи гапиреди, ўқувчилар эса унинг нуткини идрок этиб, англаб оладилар. Куп меҳнати дарсларида у тушунтириш ва хикоя килиш, инструктаж кўринишида булади.

2. Диологик баён бу – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро сухбатидир.

Хикоя килиш – бу программа материални жонли ва образли баён килишдир. Бу холда янги билимни ўқитувчининг ўзит беради. Баъзан сухбат давомида ўқувчилар тушунтирилатган нарсаларни канчалик ўзлаштираётганликларини аниклаш макседида уларга саволлар билан мурожаат этиш максадга мувофикдир. Хикоя агарда бажарилган ишлар, натурал намуналар, расмлар, фотосуратлар ва шу кабиларни курсатиб килинса, анчагина тушунарлирок булади. бу ўринда тушунтираётганида курсат ва тушунтир дэган коида бажаришади. Янги материални баён килишда ўқувчиларнинг бир хил эмаслигини назарда тутиш лозим.

Тушунтиришда буш ўзлаштирувчиларга алохида эътибор бериш лозим. Хикоя килиш жараенида уларнинг идрокларини активлаштириш мақсадида тушунтирилатган материал юзасидан уларга бир-иккита савол бериш мумкин. Ўқитувчи хикояси куйидаги талабларга жавоб бериши мумкин: У мазмунига кура программада назарда тутилган барча укув материаллини аниқ ва тулик камраб олиши керак: Баен этилиши шаклига кура – аниқ, тушунарли, мантикий, иборалари содда булиши зарур. Материал кизикарли ва ўқувчиларнинг фикрини активлаштирадиган, диққатини энгилликнинг асосий элементларига жалб киладиган булиши лозим:

Хикояда ўқитувчи ўқувчиларбоп факт ва тушунчаларга асосланиши лозим. Нутк содда ва аниқ булмаса, ўқувчиларнинг хикояга, кейинчалик предметга булган кизикиши суниси мумкин. Укувчи хикоясида ўқувчиларнинг нуткини янги ибора ва сўзлар билан бойитувчи янги сўз ва терминлар булиши, уларнинг маъносини шу вақтнинг ўзида тушунтирмоги шарт.

Хикоя жараенини ўқувчилар яхшироқ тушуниб олишлари учун кургазмали куроллар – тикувчилик махсулотлари, натурал предметлари, расмлар, фотосуратлар воситасида ўқитувчи воқеани намойиш этиб бормоги даркор.

Инструктаж – меҳнат таълимининг самарали методларидан биридир. Инструктажнинг мақсади ўқувчиларнинг амалий фаолиятларини уюштириш ва йуналтириш оркали уларнинг амалий-билим, кўникма ва малакаларга эга булишлари ҳамда уларда меҳнатга онгли ижодий ёндошишни тарбиясини таъминлашдир.

Инструктаж олган укувчига ишнинг мақсади ва усуллари равшан булиши керак. инструктажнинг вазифаси ўқувчиларга технологик жараенни онгли ва тугри таништиришни ўргатишдан иборатдир.

Инструктаж олган ўқувчилар: ишни рационал усулларда ва тугри изчилликда бажара билишлари, меҳнатни ташкил этишнинг белгиланган формалари ва хавфсизлик техникаси коидаларининг амалга оширилишлари,

йул куйилган хатоларни иш жараенида тўзатишлари ва уларнинг пайдо булиш сабабларини бартараф эта билишлари керак.

Инструктаж огзаки ва езма, индивидуал, звено еки группавой булиши мумкин. Огзаки инструктаж сухбат еки хикоя килиш методи оркали берилиши мумкин. Сухбат ва хикоя килиш жараенида ҳам предметлар еки иш усулларига намойиш этилиши мумкин.

Сўз ва курсатишнинг ир-бирига муносабати ишнинг тугри ва мураккаблигига кура хал этилади. Масалан, куйлак тикиш ишнинг ташкиллаштирилиши назарда тутилганда асосий иш тушунтиришга, чокларни тикишга ўргатишга керакки, бирор чокни кандай тикиш кераклиги курсатилаётганда бу харакатнинг максоди албатта тушунтирилиши лозим.

Инструктаждан сунг, укувчи экологик билимларини амалий меҳнат харакатларига тадбик этиши даркор. Бирок барча ўкувчилар ҳам инструктажни бир хилда идрок этмайдилар, бирлари керакли харакатни огзаки баендан тасаввур кила олмайдилар, иккинчиларига курсатиш, тушунтириш керак булади, ўкувчиларга тушунтириш вақтида ҳамма нарсани тушунадилар, бирок бу ишга киришганлариек, уларни унутадилар. Бу холат улардаги билиш типининг хусусиятларига ҳамда биринчи ва иккинчи сигнал системалари муносабатларининг хусусиятларига юкоридир.

Топширикнинг яхширок онгланиши ва бажарилиши учун инструктаж жараенида ўкувчиларни булажак ишини планлаштиришга жалб килиши, топширикни бажаришга алокадор масалаларни улар билан муҳокама килиш, инструктаж утказишда ўкувчиларни диққатини ута мухим технологик жараенларга жалб килиши.

Инструктаж – меҳнат таълимининг самарали методларидан биридир. Инструктажнинг максоди ўкувчиларнинг амалий фаолиятларини уюштириш ва йуналтириш оркали уларнинг амалий-билим, кўникма ва малакаларга эга булишлари ҳамда уларда меҳнатга онгли ижодий ёндошишни тарбиясини таъминлашдир.

Инструктаж олган укувчига ишнинг максади ва усуллари равшан булиши керак. инструктажнинг вазифаси ўқувчиларга технологик жараенни онгли ва тугри таништиришни ўргатишдан иборатдир.

Инструктаж олган ўқувчилар: ишни рационал усулларда ва тугри изчилликда бажара билишлари, меҳнатни ташкил этишнинг белгиланган формалари ва хавфсизлик техникаси коидаларининг амалга оширилишлари, йул куйилган хатоларни иш жараенида тўзатишлари ва уларнинг пайдо булиш сабабларини бартараф эта билишлари керак.

Инструктаж огзаки ва езма, индивидуал, звено еки группавой булиши мумкин. Огзаки инструктаж суҳбат еки хикоя килиш методи оркали берилиши мумкин. Суҳбат ва хикоя килиш жараенида ҳам предметлар еки иш усулларига намойиш этилиши мумкин.

Сўз ва курсатишнинг ир-бирига муносабати ишнинг тугри ва мураккаблигига кура хал этилади. Масалан, куйлак тикиш ишнинг ташкиллаштирилиши назарда тутилганда асосий иш тушунтиришга, чокларни тикишга ўргатишга керакки, бирор чокни кандай тикиш кераклиги курсатилаётганда бу харакатнинг максади албатта тушунтирилиши лозим.

Инструктаждан сунг, укувчи экологик билимларини амалий меҳнат харакатларига тадбик этиши даркор. Бирок барча ўқувчилар ҳам инструктажни бир хилда идрок этмайдилар, бирлари керакли харакатни огзаки баендан тасаввур кила олмайдилар, иккинчиларига курсатиш, тушунтириш керак булади, ўқувчиларга тушунтириш вақтида ҳамма нарсани тушунадилар, бирок бу ишга киришганлариек, уларни унутадилар. Бу холат улардаги билиш типининг хусусиятларига ҳамда биринчи ва иккинчи сигнал системалари муносабатларининг хусусиятларига юкоридир.

1.2. Бошлангич синфларда интерфаол методларини куллаш ўқитишнинг шакл ва методларидан фойдаланиш жараёни тадқиқот предмети сифатида

Бошлангич синфларда меҳнат машгулотларини мувафакиятли утиши, меҳнат таълим ва тарбиясида самарали эришиш куп жихаттадан ишни тугри режалаштиришга боғлиқ.

Меҳнат таълимини режалаштириш укув жараёнини аниқ ташкил этишдан иборат булиб, у дидактика принципларига тула туқис мос келадиган булиши керак. Меҳнат таълимини режалаштириш ҳар -бир ўқитувчининг таълим режаси ва дастўрини бажаришни, меҳнат буйича укув материалларининг мазмунига тулик жавоб берадиган ҳужжатлари булиши лозим.

Ўқитувчининг асосий вазифаси ҳар чорак учун меҳнат дарсларини шундай режалаштиришдан иборатки, бунда ўқитувчи болалар томонидан ҳосил килинган билим, кўникма ва малакаларини изчиллик билан кенгайтириш ва мараккаблштириш ишларни ва болалар жамоасини кундалиқ ҳаётида керак булган буюмлар тайёрлаш ва бошка ишларни бажариш билан бирга кушиб олиб боришни назарда тутсин.

тажриба ишни режалаштиришда маҳаллий шароитни, мактаб шароитни йилномада кизил билан белгиланган байрам ва дам олиш кунларини ва бошкаларни ҳисобга олиб курсатади.

Дастур буйича болалар меҳнатининг хусусиятларидан бири уларга факат билим берибгина колмай, балки уларнинг маданий ахлоқ коидаларига хусусан батартибли, озодали ва бошкаларга ўргатишдир. Шунинг учун ўқитувчининг биринчи кунларидан бошлабок кийим-бош ва оёқ кийимларига караш маданий ҳулк-атвор коидаларига ўргатиш машгулотларини режалаштириш зарур.

Болаларни ана шуларга ургатиб, кейинчалиқ йил давомида ургатиб, йил давомида ота-ноалар билан келишган холда, болалардан мактаб куйган вазифаларини бажаришларини катъий талаб килиш керак.

Меҳнат дарсларини режалаштиришда маҳаллий об-хаво шароитларни, хусусан усимликларни усиш ва ривожланиш муддатларини этиборга олган холда кишлок ҳужалиқ меҳнати буйича баҳорги, ёзги, кўзги машгулотлар

утказишнинг оптимал вақтини аниқлаш, синфда ва мактаб ер участкасида утказилган машгулотларни навбатлаштириш режасини ҳисобга олиш зарур. Табиий шароитга қараб, усимликлар устириш мавзусини истаган бошқа мавзу билан, шу жумладан коғоз ва картон билан навбатлаштириш мумкин. Маълумки, бир мавзулар болаларнинг техник конструкторлик қобилиятларини устириш мақсадидангина эмас, балки математика табиатни урганиш, она тили ва бошқа дарсларда қулланиладиган курсатма қуролларни тайёрлаш мақсадиди утилади.

Масалан қушиш ва айиришни ўргатиш учун болаларга дидактик билимлар керак. Улардан баъзиларини хусусан санок материалларини меҳнат дарсларида билиб олиши мумкин.

Бундан коғоз ва картон билан ишлаш, техник моделлаштириш ишларини, бошқалар билан навбатлаштириш зарур, деган хулоса чиқатди.

Экскурсия утказишни урганилаётган материалга мувофиқ қуйилган материални қўзлаб режалаштириш керак.

Ўқитувчи меҳнат дарсларини режалаштиришда ҳам ўз хусусиятларига қура бошқа синфлардаги қабил булади. Ўқитувчи аввал коғоз мато билан ишлаш дарсларини, утиб булиб, кейин хар-хил материаллар билан ишланадиган дарсларни, шунинг декдастлаб техник меҳнат булимига, кейин эса қишлоқ хужалик меҳнати булимига оид дарсларни утмайди.

Ўқитувчи хар чорак давомида мавсумий шароитларни ва болалар қоллективининг укув, ижтимоий ва маданий ҳаёти эҳтиёжларни ҳисобга олиб, хар-хил материаллардан буюмлар ясаш, техник моделлаштириш, техника ва қишлоқ хужалик меҳнати дарсларини алмаштириб утади. Ясалган буюмлар қони эмас, уларнинг ясаш жараёнида, усимликларни парваришлаш ва тажриба ишларида укувчилик эгаллаган билим ва малақалар муҳимдир. Шунинг учун ўқитувчи синф журналида аввал дарса болаларга берилган билим ва малақаларнинг қискача мазмунини, кейин ясаладиган буюм ёки бажариладиган амалий ишни қурсатиш лозим.

Ўқитувчи у ёки бу чоракда утиладиган меҳнат дарсида ишланадиган, ҳар қайси синф программасида тавсия этилган буюмларни турмушдаги аҳамиятига қараб танлаши фойдалидир. Бунинг учун болалар коллективининг ва айрим болаларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондирган буюм ёки буюмлар группасини танлаш маъқул.

Болалар боғчасини оталикка олишни йулга қуйишда ҳар-хил ёшдаги болалар уртасида дустликни мустаҳкамлаш, катталарни кичик ёшдагилар ҳақида ғамхурлик қилишгина эмас, балки меҳнат таълими дарсларида олинган билимларни кичкинтойлар учун турли хил совғалар тайёрлаш жараёнида мустаҳкамлаш имкониятидан тайёрлаш кўзда тутилади

Ўқитувчи ҳар-бир дарсни шундай тақсимлаш керакки, натижаси самарали чиқиши керак.

1. Кириш қисми.
2. Ўқитувчининг оғзаки йул-йурик кўрсатиши.
3. Ўқувчиларнинг топширикни мустақил бажарилишлари.
4. Ишни текшириб ва ўзил-қисил баҳо қуйиб ҳисобга олиш.
5. Уйга берилган топширикни тушунтириш.
6. Синфни йиғиштириб тозалаш.

1-босқич кириш қисми; бу қисм мавзуга ўқув йилига қараб, яни ўқувчиларнинг билим даражасига қараб катта ёки кичик ҳажмда бўлиши мумкин. Бу қисмда одатда дарсинг васифаси, ишнинг ҳажмини бажариш муддати баён қилинади.

2-босқич ўқитувчининг оғзаки тушунтириши. Бу босқич биринчи босқич билан ўзвий равишда боғлиқдир. Ўқувчилар вазифани, материаллар, асбоблар қулланиладиган усулларни хусусиятларини англаб етишлари лозим.

Ўқувчиларга савол бериш орқали уларнинг оғзаки тушунтирилган йул-йурикни тушунганликларига қаноат ҳосил қилгандан кейингина, ўқитувчи уларга мустақил равишда бажаришга киришиш учун рўхсат беради.

3-босқич дарсинг асосий кисми булиб, бу босқичда ўқувчилар берилган ишни мустақил бажарадилар. 3-босқичга дарс саотининг 3дан 3кисми баъзан хотто 4дан 3 кисми ҳам ажратилади.

Ўқувчиларнинг ишлари дарс тугашига 8-10 дакика қолганда текширила бошланади. Текшириш вақтида ижронинг тула тез ва пухта бажарилганлиги аниқланди.

4-босқич-ишни текшириб ва ўзил кесил баҳо қўйиб ,хисобга олиш . Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ишига қисқача тавсия беради ва бу ишга қўйилган баҳони журналга қайд этиб қўяди .

Ўқувчилар этикеткалар қилиб, ясалган буюмлар устига ёпиштириб қўядилар .

5-босқич уйга берилган вазифани тушунтириш. Бу босқич 4 босқич билан боғлиқдир . Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ишига баҳо бериш билан бирга ишдаги камчиликларини ҳам кўрсатади ва уйга берилган вазифани тушунтириш жараёнига бундай камчиликларни тугатиш учун қўшимча йўл йўриқлар кўрсатади .

Бундан ташқари (агар келгуси дарс учун зарур бўлса) болаларга ,яъни уларга таниш бўлган усул қўлланиб янги буюм ясаб келишни топширади ҳамда топшириқни бажариш учун батафсил йўл йўриқлар кўрсатади .

1.босқич синфни йиғитириб тозалаш. Бунда Ўқитувчи болаларни ишдан кейи синфни ўзларининг иш жойларини ҳамма вақт йиғиштириб юришга ўргатиш керак , шу билан бирга уларга меҳнат маданияти кўникмаларини ҳосил қилинади .

Материаллардан чиққан чиқиндилар ҳар қайси парта устига қўйилган мҳеус қутича ичига солинади .

Демак ,меҳнат дарсини режалаштириш ва ўтқазиш бўйича қуидагиларга эътибор бериш керак. Меҳнат дарсини режалаштириш ,ўқитувчининг меҳнат дарсига тайёрлиги , меҳнат дарсининг усуллари ва меҳнат дарсининг турлари ҳамда дарс конспектларига катта эътибор қаратилиши керак .

Юқоридагиларга ҳар бир ўқувчи амал қилса ,меҳнат дарси юқори даражада бўлади. Бошланғич синф меҳнат режалаштириш ҳам ўз хусусиятларига кўра аввалги синфлардаги режалаштиришга ўхшайди .

Ўқитувчи аввал қоғоз мато (газлама) билан ишлаш дарсларини ўтиб бўлиб ,кейин ҳар хил материаллар билан ишланадиган дарсларни,шунингдек ,дастлаб техник меҳнат бўлимига сўнгра қишлоқ хўжалик меҳнати бўлимига оид дарсларни ўтмайди .

Ўқитувчи ҳар чорак давомида мавсумий шароитларнива болалар коллективининг ўқув ,ижтимоий ва маданий ҳаёти эҳтиёжларини ҳисбга олиб ,ҳар хил материаллардан буюмлар ясаш ,техник моделлаштириш,техника ва қишлоқ хўжалик меҳнати дарсларини алмаштириб ўтади . Ясалган буюмлар сони эмас ,уларни ясаш жараёнида ,ўсимликларни парваришлаш ватаржиба ишларида ўқувчилар эгаллаган билим ва малака муҳимдир.Шунинг учун ўқитувчи синф журналида аввал дарсда болаларга бериладиган билим ва малакаларнинг қисқача мазмуни ,кейин ясаладиган буюм ёки бажариладиган амалий ишни кўрсатиш лозим .

Ўқитувчи у ёки бу чоракка ўтилаётган меҳнат дарсига ишланадиган ҳар қайси синф режасида тавсия этилган буюмларни турмушдаги аҳамиятга қараб танлаши фойдалидир. Бунинг учун болалар жамоалаштиришнинг маиший хўжалик мақсадлари , табиатда ишлаши ва уни кузатиш учун ,умумтаълим предметлари бўйича дарслари ,байрамларга тайёрланадиган ўйинларни, жамоа бўлиб дам олишни нг бошқа турларини жиҳозлаш учун жамоат ишларига эҳтиёжларни қондириш учун меҳнат дарсларида ясаладиган буюмлар ва бажариладиган ишлар айрим болалар ёки 4 синф ўқувчилари гуруҳларининг қизиқиши ва ҳоҳишига мос бўлиши керак.

Меҳнат дарсларини режалаштиришнаоид тавсиялар тахминийдир ,Шунинг учун ўқитувчи мактабнинг шароитига ,мвсум ,иқлим ваоб ҳавосига қараб айрим дарслар ўрнини алмаштириши, айрим буюм ва ишни танлаши мумкин.

Ўқувчиларда режада ифодаланган ва меҳнат таълими дарсларининг ягона асоси ҳисобланган барча бўлим малакаларини ҳосил қилиш мажбурийдир.

Ўзбек халқининг қадимий касби деҳқончилик ва ҳунармандчилик бўлган. Ўзбек тупроғида турли касб эгалари алоҳида-алоҳида маҳалла бўлиб яшаганлар. Бунда ҳам, албатта, хикмат бор. Маълумки ўзбек тупроғидаги кулол хинд диёрида элга танилган машҳур кулолни “устоз деб атаганлар”. Ҳунармандчиликнинг унлаб соҳаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлари хорижга ҳам чақирилган. Ҳозирги кунда ота-боболаримиздан мерос қолган ҳунармандчиликка эътибор янада кучаймоқда.

Табиийки, ўқувчиларда меҳнат ва касб-ҳунарга муҳаббат ҳисси ўзидан вужудга келмайди. Меҳнат таълими дарсларида, дарсдан ташқари турли тадбирлада ва тугарак машғулотларида жаҳон халқларининг шу жумладан, шарқ халқларининг асирлар давомида ардоқланиб келаётган меҳнатсеварлик анъаналари ва касб-ҳунар тугрисида кенгрок тушунча бериш орқали таркиб топтириш мумкин.

Афсуски, Мрказий осие мутафаккирлари ва жаҳон инсонпарвар – тарбияшунослари, марифатпарвар шорларида асрларида илгари сурилган меҳнат ва касб-ҳунарнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти утмишдаги мазлум халқнинг меҳнатсеварлик анъаналари ва меҳнат касб-ҳунар ахлининг ижтимоий-иқтисоди ахволи тугрисидаги масалалар ҳали урганилмаган.

Ўзбек халқ мутафаккири, халқ маорифи арбоблари ва маърифатпарвар шоирларнинг меҳнат, касб-ҳунар тугрисидаги қимматли фикрларнинг биз учун аҳамиятли томони шундан иборатки, улардан ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш воситаси сифатида мактабларда кенг фойдаланиш мумкин.

Халқимиз асрлар давомида яратган саноксиз дурдоналари орасида меҳнатсеварлик ва касб-ҳунар урганиш мавзусига оид мақоллар ҳали салмоқли ўрин тутди. Буларда халқ турли масаллар, ухшатишлар воситаси билан ёшларни меҳнатни севишга ундайди.

Шунингдек халқ тарбияшунослигининг нодир ёдгорликлари саналган «Алпомиш», «Гуругли», «Рустамхон», «Кундўз билан Юлдўз» каби бошка дostonларда ҳам меҳнат ахли ва хунармандларнинг муъжизалар яратишга кодирлиги улугланади. Бу дostonлардаги турли хунар эгаларининг меҳнат фаолиятлари тасавирланган эпизодларни укиган киши халқ меъморчилик, наққошлик, тоштарошлик, заргарлик билан шугулланувчи кишиларга, дехончилик, чорвачилик, овчилик ва бошка касб захматкашларига катта хурмат билан караганлиги, бу соҳаларда ҳам қобилиятли ва ўз касбининг моҳир усталари етишиб чиқишини орзу қилганлигини билиб олиш қийин эмас.

Ўзбек халқ ижодиёти бойликлари ичида катталардан болаларга мерос қоладиган ўғитлар, топишмоқлар, эртақлар, қўшиқлар, ҳамда меҳнат қўшиқларидир масалан:

Урогим чаккон	Урогим олмос
Сен мэнга ёккан	Уришдан колмас
Кулгинам чаккон	Сира ҳам толмас
Меҳнатга боккан.	Урмасам булмас.

Топишмоқлар:

Ўзи жонсиз,	Биз бу ерда турамиз,
ишга полвон. (кетмон)	Хизмат булса киламиз.
	Икки соҳиб бошида ,
	Икки катор булиб оамиз. Арра).

Хулоса шуки, ўзбек халқ огзаки ижоди материалларида меҳнат тарбияси ва касб-хунар таълими хақида гап юритилар экан, уни амалга оширишда халқимиз қадим замонлардан бери қулланиб келаётган ва синовдан утган, хозиргача ўз химматини йуқатмаган усул ва воситалар акс этирилган. Халқ тарбияшунослигидаги меҳнат тарбияси ва касб-хунар таълиминини урганиш ва уларнинг мактаб тарбиявий ишлардаги услуб ва воситалар билан уйғунлаштириш тарбиявий ишимизнинг самарадорлигини оширишда муҳим омилардан бири сифатида хизмат қилган булар эди. Бунинг

учун халқ тарбияшунослигида меҳнат тарбияси ва касб-хунар таълимига доир материаллардан дарс ва дарсдан талшқари тарбиявий ишлард, болани меҳнат севарлик руҳида тарбиялаш ва касбга йуналтириш мавзусидаги суҳбатлардан фойдаланиш буйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш айна муддаодир. Халқ тарбияшунослигидаги меҳнат тарбияси ва касбга йуналтириш гојларини ёш авлодимиз онгига сингдириш, уларни халқ оммасининг илгор меҳнат ва хунармандчилик анъаналарига бефарқ карамасликка ўргатиш ўқитувчиларнинг мукаддас бучидир.

Буюк мутафаккирларнинг меҳнат тугрисидаги халқ мақоллари ва хикматли сўзлари болалар онгига, дунёкарашига ижобий таъсир курсатади.

Меҳнат тарбияни вужудга келтиради. Инсоннинг меҳнат жараёнида ҳосил килган дастлабки малака ва кўникмалари авлоддан-авлодга ути келган. Меҳнат фаолияти муракаблашиб, меҳнат соҳасида тажрибалар тупланиб борган сари, кейинчалик атроф-теварақдаги хаёт тугрисидаги билимар йигилиб боргач, тарбиянинг мазмуни ҳам ўзгариб боради. Тарбия билан энг билимдон кишилар шугуллана боладилар. Болаларга чорвачилик, яни хайвонларни боқиш дехқончилик килиш каби касб-хунарлар ургатила бошлади.

Дарвоқе, якин ва урта шарқда ҳамда Урта Осиё халқларининг тахминан эрамиздан олдинги IX асирдан IV асирга кадар тўзилган мукаддас китоб “Авесто”да болалар камолатида меҳнатнинг ва касб –хунарнинг аҳамити тугрисида гојат кизик маълумотлар бор.

“**Авестода** ”инсонда олий мавжудод сифатида меҳнат килиш, моддий ноз-нематлар яратиш ва ишлаб чиқариш, қобиляти мавжуд. Инсон бу қобилятни ишга солмас экан, у инсоний киёфасини йукотади, вахшилашада, ёвўзлашади. Иккинчидан меҳнат инсодаги инсониликни куррсатади, унинг маънавий хатти-харакатини ва хулқ атворини баҳолашда асосий мезон булиб хизмат килади.

Демокрит (эр. ав.460-370) ўз асарларида «таълим меҳнат асосидагина гўзал нарсаларни ҳосил килади» деб курсатиб утади ва тарбия ишида

меҳнатнинг роли жуда катта эканлигини таъкидлайди. Демокрит доимо меҳнат килиб туришни талаб қилади. «Меҳнатга одатлана борган сари меҳнат энгил булиб қолади » дейди.

Аристотель (э.ав.384-322.) болаларга ақлий тарбия билан жисмоний меҳнат тарбиясини беришни таъкидлайди: бунда у болаларни хаддан ташқари чарчатиб қўймаслик кераклигини айтиб, уларнинг организми мустаҳкамланиб олгунча энгил ишлар билан шугуллантиришни тавсия қилиди. Аристотельнинг фикрича, меҳнат тарбияси боланинг ирода, ҳулқ одатлари ва қўникмалари, истеъдодининг таркиб топишида муҳим роль уйнайди.

Ўша вақтларда ҳунармандларнинг оиласи ва устахоналарида болаларни шогирд қилиб олиб бориш ҳунар ўргатиш расм бўла бошлади. Шогирдлар меҳнат қилишни шу меҳнат жараёнини ўзибда ўрганар эдилар, улар меҳнат қўникмаларини эгаллаб, чаккон ва эпчил ишлайдиган булиб қоладилар.



Шундай қилиб, меҳнат ва касб ўргатиш бола шахсининг ривожини учун зарур бўлган муҳим педагогик масала сифатида олдинга суриладики, бунда эртак қахрамонларининг ҳеч бири фақат меҳнатсевар ва маълум бир касбни эгаллабгина қолмасдан, балки илмли, жисмоний соғлом ва маънавий қамолатга эришган ахлоқий пок кишилар сифатида тасвирланади.

Бошланғич синфларда таълимни ташкил этишга замонавий ёндашув, замонавий тафаккур таҳлилини талаб етмоқда. Ўзлуксиз педагогик таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришда ушбу муаммонинг илмий жиҳатдан тўлиқ ўз ечимига эга бўлиши ҳозирги кун педагогикасининг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланди.

Ушбу хулосадан келиб чиққан ҳолда бошланғич синфларда ҳар бир ўқитиладиган мавзуга кенг қамровли лойиҳа ишлаб чиқиш билан бир

қаторда, коллеж ўқувчиларининг ёши ва индивидуал хусусиятига хос бўлган ўқув-методик мажмуа тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари лойиҳага қўшимча мавзуга дахлдор бўлган барча ахборотлар, тарқатма материаллар, маълумотномалар, манбалар, улардан фойдаланишга оид методик тавсиялар берилди.

Бу жараёнда қуйидаги тамойилларга амал қилинади: тарбия технологиясининг инсонпарварлик мақсадига йўналтирилганлиги; иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар билан боғлиқлиги; тарбия ва касбий ўз-ўзини тарбиялашнинг изчиллиги; ҳар бир ёш даврига хос қонуниятларнинг ўзаро ўзвийлиги; тарбияланувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш; ташаббус, эркинлик ва ижодкорликнинг бирлиги; тарбия, таълим ва ривожланишнинг яхлитлиги; тарбия асосида таълим беришнинг устиворлиги.

II-боб. Бошлангич синф ўқувчиларини меҳнатга тайёрлашнинг шарт-шароитлари

2.1. Бошлангич синф ўқувчиларини меҳнатга тайёрлашнинг шакл ва усуллари

Педагогик технологияларда ўқув мақсадларини қўйилиши катта аҳамиятга эга. Бундай ҳолат анъанавий ўқитиш методикасида юзаки характерда эди. Педагогик технологияларнинг анъанавий методикадан яна бир фарқи ўқувчи ва ўқувчиларни мустақил билим олишига жиддий еътибор берилади. Енди педагогик технологияларда мақсадлар ва назорат топшириқларни белгилашда асосий рол бажарувчи Блум таксономиялари ҳақида кенгроқ тўхталамиз. Блум таксономиялари қуйидаги категорияларга эга: билиш, тушуниш, фойдаланиш, анализ, синтез ва баҳолаш. Бу категорияларнинг ҳар бирига қисқача тўхтаймиз.

1. Билиш - бу категория ўқув материални еслаб қолиш ва эсга тушуришни англатади. Гап ҳар хил шаклдаги мазмун ҳақида бориши мумкин, конкрет фактлардан яҳлит назариягача. Бу категориянинг умумий хусусиятига таллуқли маълумотларни еслаш.

2. Тушуниш – ўрганган нарсанинг аҳамиятини тушуна олиш қобилиятининг кўрсаткичи бўлиб, ўқув материални бир шаклдан бошқа шаклга ўтказиш, кўчиришга хизмат қилиши мумкин (масалан оғзаки шаклдаги ўқув материални ёзма математик шаклга кўчириш). Тушуниш кўрсаткичи бўлиб, ўқувчилар томонидан материални тушунтириш, қисқа изоҳлаш ёки ҳодисаларни кейинчалик бўлиб ўтиши ҳақида фараз қилиш хизмат қилади. Ўқитишнинг бундай натижалари материалнинг оддий еслаб қолишдан устун туради.

3. Умумий тушунчалар, қоидалар услублардан фойдаланиш. Бу ерга тушунчалар, қоидалар, услублар, тамоиллар, назарияларидан фойдаланиш киради. Ўқитиш натижалари тушунишга нисбатан материални чуқурроқ билишни талаб қилади.

4. Таҳлил (анализ) – бутун нарсани бўлакларга, элементларга бўлиш, бўлаклар градациясини (бўлаклар орасидаги изчиллик) , боғланишларини, ўрнатиш. Ўқитиш натижалари бунда юқори даражада интеллектуал ҳарактерга эга бўлади, чунки материалнинг ички мазмунини ва тўзилишини аниқлаш талаб қилади.

5. Синтез - янги структурага (тўзилиш) еришиш мақсадида элементлар (бўлаклардан) бутун нарсани тўзиш. Бунда ўқитиш натижалари ижодий фаолиятни талаб қилади.

6. Баҳолаш. Танланган мақсадлар асосида материаллар ва услубларни баҳолаш. Бу категория юқорида қайд етилган барча категориялар бўйича ўқитиш натижаларига еришишни ва шунингдек баҳоловчи ҳукм чиқаришни назарда тутлади.

Педагогик технология асосланган бошланғич синфларда таълимни ташкил етишда назорат топшириқларини тўзиш мақсад (ўқув мақсади) билан ўзвий боғлиқ ҳолда ўтказилиши лозим. Бундай пайтда режа ва дарс конспектлари (контрол топшириқлардан сунг ўтказилган дарслар ҳам) самаралироқ бўлган ҳолда ўқитишнинг мақсад ва вазифалари билан боғлиқ бўлади.

Якуний тест ишланмаси тест топшириқларининг керакли сонини аниқлашдан бошланади. Уларнинг сони назорат турлари ва режалаштирилган ўқув мақсади ва вазифаларининг чуқурлигига боғлиқ.

Билим олишни шакллантиришда мунтазам боғланишларнинг аҳамияти каттадир. Ўқитишга технологик ёндашишда боғланишлар ташкил етилиши орқали билимларнинг шаклланишига катта эътибор берилади. "Билим" тушунчасининг маъноси боғланиш ташкил топиш, билиш, ташқи олам маълум муносабатларини билишдир, улардан навбатдаги марта фойдаланганингизда еса бу "тушуниш" деб аталади". Бунда, янги шарт-шароитларда қўлланилганда билимлар... балки янги боғланишлар ташкил топади ҳамда билим такомиллашади.

Билимлар - боғланишлар бўлгани учун, боғланишлар еса ўрганиладиган янги ва ўзлаштирилган ески орасида ташкил топиши мумкин бўлганлигидан

бу эски қанча кўп ва бой бўлса, яъни унда қанча кўп боғланишлар ишлаб чиқилган ва ўрнатилган бўлса, шунча кўп янги боғланишлар ўрнатиш мумкин ва эгалланган янги билим шунча бой бўлади. Билим сифати қаралаётган ходисалар ўртасида ўрнатиладиган боғланишлар сони билан, яъни улар ўзаро таъсирини тушуниш кенглиги билан аниқланади. Боғланишлар бўлмаса, демак билимлар ҳам юк, биз ўрганиладиганни еддан есда қолдирадиган бўлсак ҳам. Янгининг ески билан, янгининг элементлари орасида бой боғланишлар ўрнатилдими, демак, қимматбаҳо, бой билимлар эгалланди.

Боғланишлар максимал ташкил топиши учун педагогик технологиянинг қуйидаги қоидалари йўналтирилган:

Мазкур қоидаларнинг бир маъноли табиати ўқитишнинг репродуктив табиатини ифодалайди.

Ўқув мақсадларига еришиш учун ўқитишнинг турли моделлари, шу жумладан, анъанавий моделлари ҳам қулланилиши мумкин. Конкрет шарт-шароитларнинг ҳар бир типини ўқитишнинг оптимал моделини танлашнинг қандайдир формал мезонларнинг ўзи умуман мавжуд эмас - бугун бу тўла ваколатлилик, тажриба, соғлом фикр, ўқитувчининг сезгиси масаласидир. Педагогик технологияларнинг асоси - ўқитиш натижаларини диагностик ва операционал ифодаланган мақсадлар сифатида режалаштириш ва таълим жараёнининг натижалилигини ўзлуксиз диагностика қилиш. Аниқ қўйилган эришиладиган мақсадлар ҳар бир вақтда берилгани шарт-шароитларда педагогик хазинадан мос методларни, шаклларни, усуллар ва уларга еришиш воситаларини танлаб олишга имкон беради.

Педагогик кўзатув, суҳбат ва анкета сўрови методлари орқали коммуникатив тарбияга хос сифатларни шартли равишда баҳолаш жадвали ишлаб чиқилди.

Таълим ва тарбия технологиясига оид олиб борилаётган тадқиқот фаолиятининг дастлабки натижалари (таъкидловчи эксперимент 2000-2004

йй) мавжуд ҳолатга объектив баҳо бериш имкониятини яратди. Бунда асосан қуйидаги шарт-шароитлар аниқланди;

-барча педагогик жараёнда еркинлик, ихтиёрийлик, онгли муносабат ўрнида буйруқбозлик, мажбурий итоаткорлик ва авторитар муносабатнинг ҳамон сақланиб келаётганлиги;

-олиб борилган «тарбиявий ишлар» натижасини ўтказилган тадбирлар ва унда иштирок этганлар сони билан белгилашни одатий ҳолга айланиб қолганлиги, яъни таълим ва тарбияда индивидуал ёндашувнинг йўқлиги;

-аксарият ҳолларда ўқувчи ва ўқувчида бефарқлик ва беғамликнинг шакланганлигига кўра уларни пассив ижрочига айланиб бораётганлиги;

-пировард натижада ўзлуксиз таълим тизимида, айниқса бошланғич синфларда ўқувчиларни «ўз-ўзини бошқариш» тизимининг йўлга қўйилмаганлиги евазига улардаги еркинликнинг йўқлиги;

-аксарият ўқитувчи, синф раҳбари ва кураторларнинг касб савиясини пастлиги ҳамда профессионал таҳлилнинг етишмаслиги туфайли таълим ва тарбиявий ишларни самарали равишда олиб борилмаётганлиги, шунинг евазига раҳбар шахсини «талаб етувчи» ва «ҳукмрон» кучга айланиб қолаётганлиги;

-ота-оналар, маҳалла, ҳомий ва васий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш тажрибасининг сустлиги;

-тарбиявий ва спорт-саломатлаштириш ҳамда маданий дам олиш ишлари учун куннинг иккинчи ярмида вақт қолсагина «шуғулланиш» имконияти бўлиши мумкинлиги, яъни гиподинамияни ўсиб бораётганлиги;

-тарбиячи-ўқитувчи нуфўзини оширишга қаратилган ишларнинг сустлиги айниқса тарбиячи –ўқитувчининг ижтимоий обрўсини оширишга оид бадий асарлар, кинофильмлар, видеоочерклар ва лавҳаларнинг йўқлиги;

-ўқувчи ёшлар орасида тарбиячи ва ўқитувчи бўламан дэганлар сонини тобора камайиб бораётганлиги (5-6 фоиз) ҳамда ушбу соҳага оид касб танлаш ишларини илмий-услубий асосга қўйилмаганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Тадқиқот ишимизда тарбия технологияси негизда таълим самарадорлигига еришиш амалга ошириши аниқланди. Бу жараёнда жамоа аъзолари ўртасида вертикал ва горизантал муносабатлар такомиллашиб боради.

Юқоридаги тадқиқот муаммосига оид ўтказилган амалий тажриба – синов ишларимизда бошланғич синфларга хос таълимни ташкил этишнинг ўзига хос педагогик шарт - шароитларини асослаб берган ҳолда технологик жиҳатларини таҳлил этдик бу таҳлилларни нақадар тўғрилиги ҳамда илмий асосланганлигини кейинги параграфда кўриб чиқишни лозим топдик

2.2. Тажриба синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш методикаси

Бошланғич таълим босқичи ўқувчиларини меҳнат таълими дарсларида ўқитишнинг шакли ва методларини куллаш барча мактабларда бир хил аҳволда деб бўлмайди уни куллаш бир неча босқичларда амалга оширилди.

Дастлабки босқич - бу уларга кенг кўламли тарзда ташкил этилган чуқур идрок жараёни ҳақидаги билимларни тарғиб қилинди. Бунда «Ўқиш» дарслари асосида ўқувчиларга етарли даражадаги идрок жараёни ҳақидаги билимларни бериш бажарилди. Мазкур жараёнда ўқувчиларнинг идрок жараёни Ҳақидаги билимларни эгаллаш, ёзувчи ва шоирларнинг асарларидаги инсонийлик, одамийлик, меҳр - оқибат каби фазилатлар моҳиятини тушуниш, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида, Давлатимиз Конституцияси ва рамзларида идрок жараёнининг ифода этилишини уларнинг онгига етказишга аҳамият берилди.

Бунда ўқувчиларнинг кўпчилиги қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти, Давлат Конституцияси ва рамзларини ҳурмат қилиш ўзларининг фуқаролик бурчи эканлигини билдириш билан бирга, уларда ифодаланган идрок жараёни ҳақидаги билимлар борасида ўз фикрларини баён этдилар. Баъзи бир ўқувчилар бу соҳада паст даражада билимга эга эканликларини билдирганлар. Мазкур ҳолатни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлашга бўлган интилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, ўқувчиларнинг деярли барчаси идрок жараёнининг моҳиятини чуқур англашмасдилар. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ўқувчилар фаолиятида идрок жараёнини шакллантириш алоҳида мақсад қилиб олинмаган. Биз ана шу камчиликларни бартараф этиш учун бошланғич таълим мактаби ўқувчиларида идрок жараёнини шакллантиришда куйидагилар асосий вазифалар қилиб белгиладик:

1. Ўқувчиларнинг идрок жараёни ҳақидаги билимларни амалиётга тадбиқ этиш асосида уларда идрок жараёни борасидаги дастлабки кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, инсонийлик, фаолликни қарор топтириш;

2. Ўқувчиларда идрок жараёнини шакллантиришда муҳим восита бўлган дарс ва синфдан ташқари машғулотларни қуйидаги шакл ва методларда амалга ошириш:

а) Ўқувчилар онгига таъсир этувчи тарбия методлари - ҳикоя қилиш, тушунтириш, савол-жавобни ташкил этиш, идрок жараёни ҳақида суҳбат, намуна кўрсатиш, баҳс, мунозара, учрашув, олимпиадалар ўтказиш, матбуот материаллари, ўқув ва ёрдамчи адабиётлар билан ишлаш ва бошқалар;

б) Идрок жараёнини шакллантиришга кўмаклашувчи методлар - ролли ҳамда ишончли ўйинларни йўлга қўйиш, деворий газета ва идрок жараёни журналларини тайёрлаш.

Бошланғич таълим босқичи ўқувчиларида идрок жараёнини шакллантиришга йўналтирилган дарс ва синфдан ташқари тарбиявий тадбирларни ташкил этишда қуйидаги воситаларга таяниб иш кўрилди:

Ўқувчиларнинг шахсий ёндошуви, жамоатчилик фикри, намуна кўрсатиш, кўргазмали куруллар намоёниши орқали, идрок жараёни муносабатлар жараёнини ташкил этиш;

Тажриба - синов жараёнида дарс ва синфдан ташқари машғулотларни, идрок жараёнини шакллантириш методи ва тарбия бирлиги, инсонпар-варлик мазмунидаги тадбирларнинг ягона мақсадга йўналтирилганлиги, идрок жараёнини шакллантириш тадбирларининг ўзвийлиги, идрок жараёнини шакллантириш ҳақидаги тадбирлар мазмунининг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлиги, идрок жараёнини жамоа ўқувчилар ёрдамида шакллантириш, ўқувчиларда идрок жараёнининг дастлабки кўникмаларини ҳосил қилиш, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, ҳар бир ўқувчи шахсига идрок жараёни муносабатида бўлиш, инсонпарварликни шакллантириш ўзлуксизлигига эришиш, идрок жараёнини шакллантиришнинг натижали бўлишига эришиш каби тамойиллар асосида ташкил этилди.

Бошланғич таълим жараёнида, ўқувчилар томонидан инсонпарварликни шакллантириш бир неча босқичда амалга оширилади. Бунда

Ўқитувчилар конкрет фанни Ўқитиш жараёнида айнан шу босқичларнинг боғланиш нуктасини топиши муҳим методологик аҳамиятга эга. Зеро, ўқувчиларнинг турли фанларда идрок жараёнини ўзлаштириш имкониятлари ва фаолликлари турлича бўлади. Шу нуктаи назардан, ўқитувчи томонидан, муайян предметнинг идрок жараёни билан боғлиқ масалаларини ёритиши, шартли равишда, қуйидаги босқичларда изчил амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

Биринчи босқич–ўқувчилар онгида идрок жараёнини шакллантириш ва ривожлантириш мақсади ҳамда вазифалари белгиланди;

Иккинчи босқичда–муайян ўқув предмети доирасида инсонпарварликни изоҳлаш, ифодалаш усуллари ва воситаларини танланди;

Учинчи босқичда–ўқувчиларнинг идрок жараёника доир тасаввурларини, назарий билимларини ва уларни амалга ошириш кўникмаларини мустаҳкамланди;

Тўртинчи босқичда–ўқувчилар ўзлаштирган билимлар, амалий кўникмалар даражасини назорат қилиш ва баҳолашдан иборат бўлди.

Юқорида кўрсатилган босқичлар ўртасидаги изчил боғланиш, ўқувчи онгида идрок жараёни ҳақида яхлит, тўлиқ ва аниқ тасаввурларнинг вужудга келиши учун асос бўлди.

Юқорида баён этилган талаблардан келиб чиққан ҳолда тажриба мактабларида идрок жараёнини шакллантиришга оид йиллик режа ишлаб чиқилди. Идрок жараёнини шакллантириш режасини тўзишда ўқув дастури, тарбия иши мазмуни шунингдек, ўқувчиларнинг идрок жараёни ҳақидаги билим, тафаккур ва маданият даражаси қизиқиш ва эҳтиёжлари, ташаббускорлик ҳамда фаоллик кучи эътиборга олинди. Шу мақсадда бошланғич таълим босқичида дарс ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар тизимининг ҳолати ўрганилди. Ўқувчилар ўртасида сўров ўтказилиб, уларнинг идрок жараёнини шакллантиришга бўлган ёндошув ва муносабатлари аниқланди.

1. Тажриба - синов жараёнида ўқувчилар томонидан идрок жараёнини шакллантириш тушунчаларининг ўзлаштирилиш даражаси ҳам аниқланди.

Шуни айтиш керакки, кичик ёшдаги ўқувчиларда идрок жараёнини шакллантиришда дарс машғулоти ва ўқитувчининг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш маҳорати муҳим аҳамиятга эга. ҳар бир дарснинг мақсади ўқувчиларнинг онги, ҳис - туйғуси ва ҳулқ - атворига таъсир кўрсатишга қаратилган бўлиши лозим. Дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида суҳбат учун тўзиладиган саволлар қуйидаги талабларга тўла жавоб бериши зарур:

1. Саволлар ўз савиясига мос ва тушунарли бўлиши, сон жиҳатида кўп бўлмаслиги;
2. Саволларнинг ихчам мазмунли, сифатли бўлишига эътибор бериш, саволлар дарснинг умумий мақсадини очишга қаратилиши;
3. Саволлар ўқувчиларнинг идрок жараёнини шакллантиришга қаратилиши;
4. Саволлар ўқувчиларнинг ҳис - туйғуларига таъсир этиши ва уларнинг ақлий ҳиссиётини тарбиялашга хизмат қилиши;
5. Саволлар ўқувчиларнинг идрок жараёни ҳақидаги тушунча ва билимларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши ва бошқалар.

Ўқитувчилар қуйидаги талабларни ўз фаолиятларида бажаришлари мақсадга мувофиқдир:

1. Ўзбек халқининг инсонпарварлиги ва унинг Ҳозирги кундаги тарбиявий аҳамиятини билиш;

Дарс жараёнида ўқитувчилар Гулистон асарларидан «Гулистоннинг ёшли-гидан лавҳа», «Доноларнинг доноси», «Алишер билан булбул», «Нон хиди» Ҳикоясидан, Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг «Ота - она ҳурмати», «Тўғриси ўзлик ҳақида», «Катталар меҳнатини қадрлаш ҳақида», Ўзбек халқ эртақларидан «Зумрад ва қиммат», «Эгри ва тўғри», «Уч оға ини ботирлар», «Ёрилтош» каби эртақлардан ўзбек мақолларидан, ҳадислардан, буюк ёзувчи ва шоирларнинг асарларидан кенг фойдаланишлари зарур.

Ўқувчиларда идрок жараёнини шакллантириш натижасида меҳр - муҳаббат, мурувват ва оқибат, сахийлик, саховат диёнат, қаноат, ҳиммат, адолат, сабр-тоқат, меҳрибонлик, ростгуйлик фаҳм-фаросатлилик, зийраклик

каби маънавий хусусиятлар таркиб топади. Идрок жараёнини шакллан-тириш ҳақидаги билим ва дунёқарашини ривожлантириб боради. Кичик ёшдаги ўқувчиларда идрок жараёнининг шакллантиришни режалаштириш ҳамда уларга нисбатан муносабатини аниқлаш дарс ва синфдан ташқари ташкил этилувчи тадбирларнинг асосий йўналишини кўрсатиб беради. Натижага кўра, идрок жараёнини шакллантириш ишига раҳбарлик, ташкилий жараён каби бир қатор вазифаларни ҳал этиш лозимлиги аён бўлди. Хусусан, кичик ёшдаги ўқувчиларда идрок жараёнини шакллан-тириш самарадорлигини таъмин этувчи масалаларни ўрганиш ва уларнинг муваффақиятини белгиловчи чора-тадбирларни кўриш, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига, унинг янги восита ва усуллари излаб топишга боғлиқдир.

Биз ана шу талаблардан келиб чиқиб бошланғич таълим жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларда идрок жараёнини шакллантириш кўникма ва малакаларига алоҳида аҳамият бердик. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда идрок жараёнини шакллантиришни юқори, ўрта, қуйи даражаларга бўлдик.

Юқори даража: одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлади, ўзининг атрофидаги кишилар ҳақида ғамхўрлик қилади. У доимо дўстликни улуғлаб, миллий анъаналар ва маданиятга, бошқа миллат кишиларига ҳурматсиз-ларча муносабатда бўлувчиларнинг пойини қирқади.

Ўрта даража: кишиларга ғамхўрлик қилади. Меҳр - шафқат ишларида иштирок этади. Бошқа миллат кишиларига ёрдам беришга тайёр бўлиб, миллий анъаналар ва маданиятга ҳурмат билан қарайди. Дўстлик ишларида қатнашади. Аммо уларнинг фаолиятида ўзилишлар бўлиб туради.

қуйи даража: ўқитувчи ёки жамоанинг топшириғига кўра атрофдагиларига ёрдам беради. Миллий анъаналар ва маданиятга қизиқиш билан қарайди, бошқа миллат кишиларига ундагандан кейин ва назорат остида ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг идрок жараёни ҳақидаги билимларини юқорида кўрсатилган тасниф орқали аниқланди. 1-4 синф ўқувчиларида идрок жараёнини шакллантириш, кўникма ва малакаларига алоҳида аҳамият

бердик. Кичик ёшдаги ўқувчиларда идрок жараёнини шакллантириш жараёнида уларнинг руҳияти ривожланиб борди.

Ўқувчилар тўғрилиқни ҳис қилиш, тушуниш натижасида идрок жараёни ҳислатларини эгалладилар, бунинг натижасида ўз билимларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Улар ўраб турган муҳитдаги ноҳақликларга бефарқ қарамай унга ўз таъсирларини кўрсатадилар. Ўзига ва атрофдагиларга талаблар қўйдилар. Натижада уларда ўйлаш, фикр қилиш, ўртоқларига, ака, опаларига жонли муносабатда бўлиш каби ҳислатлар намоён бўлди. Улар яхшилик қилиш, тўғрилиқ, ёрдам бериш, ачиниш каби ҳолатлари билан ажралиб турдилар.

Шуни айтиш керакки, идрок жараёнини шакллантиришда бир бутун, яхлит амалга оширишдагина у ўз самарасини кўрсатади.

Идрок жараёнини шакллантиришнинг алоҳида шакллари ўз ичига қуйидагиларни олади. Идрок жараёнини шакллантиришга оид адабиётларни ўқиш - ўрганиш; маънавий мерос, ёдгорликлари ҳақида маълумотга эга бўлиш, буюк сиймоларнинг ҳаёти ва фаолияти билан танишиш, ўқувчиларнинг оилавий турмуши ва соғлигини кузатиш, Хужжатли материаллар билан ишлаш, кичик ёшдаги ўқувчилар билан «Ўзбек халқи - инсонпарвар халқ», «Салом бериш ҳам қарз, ҳам фарз», «Камтарга камол», «Поклик имондандир» каби мавзуларда суҳбатлар ўтказиш, мактаб атрофидаги ерларга экскурсия ташкил этиш, савол - жавоб ўйинлари мусобақалар ўтказишни ташкил этиш, оммавий иш шаклида «Алишер Гулистон инсонпарвар», «Соҳибқирон Амир Темур» каби эрталиклар ўтказиш кабилардир.

Тажриба машғулотларида-идрок жараёнини шакллантириш ва уларни амалий фаолиятга тадбиқ қилиш учун қўлланилган ноанъанавий шаклнинг мақсади - ўқувчиларни идрок жараёни тушунчалари ҳақидаги билимларини шакллантириш ва уларнинг идрок жараёни руҳида тарбияланганлик даражасини оширишдан иборат эди. Бу дарс машғулотлари, маънавий қадриятларни амалиётга муваффақиятли тадбиқ қилишга имкон берди. Тажриба

синфларида, энг аввало, «Ўқиш», «Одобнома» каби машғулотларда идрок жараёнини шакллантириш ишлари кучайтирилди. Шу асосда инсон-парварлик машғулотлари мавзуи ва мазмунида умуминсоний ва маънавий қадриятларни ўрганиш назарда тутилди. Бу машғулотларнинг мавзуи ва мақсади, мазмуни, ўтказилиш тартиби юқоридаги параграфларда ўз ифодасини топган. «Ўзбекистон - Ватаним маним», «Ватанни севмок иймондандир», «Инсофли бўлиш - халқимизнинг одати», «Иймонли киши - пок киши», «Меҳмондўстлик ўзбек халқининг одати», «Идрок жараёни бу адолатпарварлик», «Меҳнат кишини улуғлайди» каби мавзуларда синфдан ташқари жараёнда машғулотлар ўтказилди.

Бундай машғулотлар йил давомида олиб борилди ва уларга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Аввало ўқитувчи қўшимча адабиётлар билан танишдилар. Шу мақсадда мавзуларга оид қўшимча адабиётдан (умуминсоний, миллий ва маънавий) керакли маълумотларни танлай билиш ҳақида топшириқлар берилди. Топшириқлар мазмуни кўйидагича бўлди: Дастур ёки қўшимча адабиётдаги муайян мавзу машғулотидаги асосий фикрни қисқача баён қилиш; қўшимча адабиётдаги айрим маълумотларни таҳлил қилиш ва маънавий қадриятлар, идрок жараёни муоммаларига оид масалаларни танлаб олиш; ушбу адабиётда идрок жараёни масалаларининг қайси жиҳатлари ёритилганлигини аниқлаш ва шу қабилар.

Шунингдек, ўқитувчиларга идрок жараёни бўйича Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ҳамда вақтли матбуот материалларидан фойдаланиш тавсия қилинди. Шу мақсадда идрок жараёни дафтари тўзилиб, кўрсатув ва эшиттиришлар вақтли матбуотда эълон қилинган мавзулар мазмуни қисқача ёзиб борилди. Тажриба ишлари жараёнида ўқувчиларнинг дарс машғулотларига тайёргарлигига алоҳида эътибор берилди. Машғулотларга ўқувчилар олдиндан пухта тайёргарлик кўрдилар. Ҳар бир машғулотда ўқувчилар мавзу ҳақида қисқача тушунча бериб уни суҳбат услуби ёки ўйин орқали амалга оширдилар. Ўқитувчилар дастур, қўшимча адабиёт матбуот хабарларидан фойдаланган ҳолда расмларга қараб ҳикоя

килувчи кўргазмали қуроллар тайёрладилар. Мавзуга оид баъзи бир текстларни ифодали ўқиб бердилар. Кейин эса ўқувчиларнинг ўзлаштиришини билиш мақсадида савол жавоблар ўтказилди. Кузатишлардан маълум бўлдики, ўқитувчилар кўпинча мавзуга оид материаллар танлашда қийналдилар. Ўз мавзу моҳиятини назарий жиҳатдан етарлича билмасдан болалар ёшига тўғри келмайдиган материалларни қайта ишламасдан тўғридан - тўғри кўчириб оладилар. Мана шундай ҳолларда дарс машғулотида ўқувчининг қизиқишлари пасайиб кетди.

Лекин шунга қарамай кўп йиллик олиб борган тадқиқот ишимиз ўз натижасини курсатди.

2.1-жадвал

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда меҳнат тарбиялашга оид тажриба –синов ишлари самарадорлигини ошириш

Мактаблар	Тажриба ишлари ўтказилгунга қадар ўқувчиларнинг идрок жараёнини шакллантириш (% ҳисобида)	Тажриба ишлари натижасида ўқувчининг идрок жараёнини шакллантириш (% ҳисобида)
1. Гулистон шаҳридаги 2 мактаб тажриба синифида	47	83
2. Гулистон шаҳридаги 6 мактаб назорат синифида	30 назорат қилинган гуруҳ	48
3. Гулистон шаҳридаги 9 мактаб тажриба синифида	32 эксперимент гуруҳ	85
4. Гулистон шаҳридаги 2 16 мактаб назорат синифида	35	41

Тажриба ишларидан олдин ва кейин бошланғич синф ўқувчиларининг дарс жараёнида идрок жараёнини шакллантириш ҳақидаги умумлашган қиёсий маълумотлар келтирилган. Юқоридаги жадвал таҳлили шундан далолат берадики, тажриба синфлари ўқувчиларнинг 80% дан ортиғи инсонпар-варликни эгаллашга, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга имкон беради.

Биз педагогик илмий тажриба давомида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда идрок жараёнини шакллантириш ишлари самарадорлиги мезонларини аниқлаш зарурлигини ҳам ўз олдимишга вазифа қилиб қўйган эдик. Инсонпарварлик тушунчалари ҳақидаги белгилловчи анкета саволларини тажриба синовларида ўтказдик. Натижада педагогик тажриба ишлари давомида бошланғич синф ўқувчиларида идрок жараёнини шакллантириш даражаси ўрганилди. Шунга асосан шахс онги ва ҳиссиётида акс этадиган ҳамда хулқ атворида кўзга ташланадиган муҳим белгилар-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахлоқий-идрок жараёни фазилатларнинг шаклланганлик даражаси ўқувчиларда идрок жараёнини шаклланганликнинг асосий кўрсаткичи сифатида намоён бўлди. Шу сабабли биз тадқиқот ишлари давомида қуйидаги хулосага келдик. Бошланғич синф ўқувчилари шахс камолотида идрок жараёни ҳақида тушунчаларни эгаллаган бўлиши лозим.

Идрок жараёнини шаклланганлик даражасини аниқлашда ўқувчиларнинг эгаллаган билим ва тушунчалари ҳаётларида қўллашлари назарда тутилди. Идрок жараёнини шаклланганлиги шартли равишда қуйидагиларда ўз ифодасини кўрсатди.

Идрок жараёни ҳақида эгаллаган тушунчалари ўқувчининг хулқида билимлари асосида ақлий ривожланишида намоён бўлди. Кичик ёшдаги ўқувчилар атроф-муҳитга ўз муносабатини билдирадиган, тэнгдошларидаги идрок жараёни фазилатларни қадрлайдиган бўлиб, уларни ўз фаолиятида намоён эта бошладилар. Бунинг натижасида кичик ёшдаги ўқувчининг онги ва феъл - атворида ўзгаришлар рўй берди. Ўқувчилар одамларнинг юриш - туришларига аҳамият бера бошладилар. Биз уларни қуйидагича белгиладик:

1. Идрок жараёни ҳақида тушунчалар - ҳаётий ва амалий мазмундаги идрок жараёни фазилатларидан иборат бўлиб, ўқувчи фаолиятида, ҳаётида кенг ўрин олди.
2. Ўқувчида идрок жараёни кўникмаларининг шаклланиши натижасида дўстлари, ўртоқлари, ота - оналари ва бошқа кишиларнинг ҳаётида юз бераётган воқеа - ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш, турли

вазиятларга тўғри ёндошиш ва уни ҳар томонлама ижобий ҳал қилишнинг энг қулай йўллари топиш, воқеа - ҳодисаларнинг ривожини ҳамда оқибатларини олдиндан кўра билиш, кундалик ҳаётидаги воқеаларни оналарига айтиш ва уни таҳлил қилиш, бу ҳақида мунозара юрита билиш кабилар ривожланиб борди.

3. Идрок жараёни ҳақидаги кўникмалари, ҳис - туйғулари амалиётда, ўз ватани ва халқи ҳаётини ўрганиш ва муҳофаза қилиш бўйича ишларни бажариш, ахлоқ - одоб қоидаларига риоя қилиш кабиларга фаоллик кўрсатди.

Биз олиб борган педагогик тадқиқот ишларида идрок жараёни ҳақидаги тушунчалар, ақлий, ахлоқий кўникмалар кичик ёшдаги ўқувчиларида идрок жараёнини шаклландириш даражасининг асосий кўрсаткичлари сифатида қараб чиқилди. Идрок жараёнини шаклландиришнинг юқорида келтирилган кўрсаткичлари, шунингдек, ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ҳисобига олинган ҳолда тажриба синовларидаги ўқувчиларни шартли равишда 3 та гуруҳга ажратдик. Бошланғич синф ўқувчиларида идрок жараёнини шаклландиришнинг миқдорий ва сифатий ўзгаришларини ифода этувчи жадвалдаги сонли маълумотларини таҳлил қилиб улардан тегишли хулосалар чиқариш мақсадида математик статистика усулларидан фойдаландик. Бунинг учун «юқори», «ўрта» ва «паст» даражаларни шартли равишда «5», «4» ва «3» балларга алмаштириб, уларни назорат гуруҳлари учун X ва тажриба гуруҳлари учун эса Y орқали белгиладик. Бу гуруҳлардаги ўқувчилар сонларини эса n ва m лар орқали белгилаб олдик. Демак тажриба бошида бу кўрсаткичлар бир – бирига яқин бўлган экан.

2.2-жадвал

Бошланғич синф ўқувчиларида сифатий ўзгаришлари
ҳақидаги умумлашган маълумотлар

Синфлар даражалар	Назорат гуруҳлари				Тажриба гуруҳлари			
	Тажриба бошида, 107 нафар бола		Тажриба охирида 104 нафар бола		Тажриба бошида 101 нафар бола		Тажриба охирида 98 нафар бола	
	На- фар	%	На- фар	%	На- фар	%	На- фар	%
Биринчи (юқори)	27	25,2	39	37,5	30	29,7	56	57,1
Иккинчи (ўрта)	21	19,7	29	27,9	20	19,8	29	29,6
Учинчи (паст)	59	55,1	36	34,6	51	50,5	13	13,3

Гипотезанинг ўринли эмаслиги Пирсон статистикаси ёрдамида аниқланди.

Бу эса ўтказилган эксперимент натижаларининг тўғрилигини кўрсатди. Шу сабабли биз тадқиқот ишимиз давомида қуйидаги хулосага келдик.

- Идрок жараёнини шакллантириш ҳақида тушунчалар - ҳаётий ва амалий мазмундаги идрок жараёни фазилатларидан иборат бўлиб, ўқувчилар ҳаётдан чуқур ўрин олди.
- Кичик ёшдаги ўқувчиларда идрок жараёнини шакллантириш натижа-сида дўстлари, ўртоқлари, ота - оналари ва бошқа кишиларнинг ҳаётида ва жамиятда рўй бераётган воқеа - ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш ва унинг оқибатларини олдиндан кўра билиш, турли вазиятларга тўғри ёндошиш ва уни ҳар томонлама ижобий ҳал қилишнинг энг қулай усулларини топиш, кундалик ҳаётидаги воқеаларни ота - оналарига, устозларига айтиш ва уни таҳлил қилиш, бу ҳақда мунозара юрита билиш кабилар ривожланиб борди.
- Идрок жараёнини шакллантириш ҳис туйғулари ўз Ватани ва халқи ҳаётини ўрганиш ва муҳофаза қилиш бўйича ишларни бажариш, ахлоқ - одоб қоидаларига риоя қилиш кабиларда намоён бўлди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Мустақил давлатимизнинг тараққиёти ўрта махсус касб-хунар таълим соҳасида катта ислохотлар қилиш вазифасини қўймоқда. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш соҳасидаги жамиятнинг муҳим эҳтиёжини қондиришнинг энг зарур шартидир.

Жамиятнинг юқори малакали рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун бошланғич синфлар мустахассислар тайёрлаш йўллари тинимсиз изламоқдалар.

1. Баркамол авлодни меҳнатга тарбиялашнинг шакллари , назарий-методологик асосларини белгиланди.
2. Бошланғич синфларда меҳнат таълимини ўқитишнинг шакл ва методларидан фойдаланишнинг педагогик моҳиятини аниқланди.
3. Бошланғич синфларда меҳнат таълимини технологик ёндашув асосида ташкил этиш тизимини ишлаб чиқилди.
4. Бошланғич синфларда интерфаол методларини ташкил этишнинг объектив ва субъектив омилларини аниқланди.
5. Тажриба синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказилди.

Технологик ёндашув ўқув фаолиятида кўп қиррали объект бўлиб, уни тадқиқ этиш ниҳоятда мураккаб. Бундай тайёргарлик мутахассиснинг умумий ва махсус тайёргарлигининг маълум бир даражасига еришишни, зарур касбий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришни талаб этади.

Бу эса технологик ёндашув асосида ишлашга қизиқадиган, уни амалга оширишга интилувчан, ижодий ишлайдиган шахсни тарбиялашни тақозо этади. Бунда касбни дилдан севиш ва унга оид мотивларнинг

мавжудлигидагина технологик ёндашув асосида ишлайдиган педагог шахси шаклланиши мумкин.

Бизнинг тадқиқотларимиз асосида турган асосий мақсад ҳам касбга технологик ёндашувнинг шаклланишида педагогик фаолиятни ривожланишининг аҳамияти катталигидир.

Таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш шахсни педагогик фаолиятга еркин киришуви, ўқувчилар билан тез тил топа билиши, изланиши, фаолиятга ижодий ёндашишига ёрдам беради.

Педагогик касбини танлаган ўқувчининг унга доир кўникма ва малакаларини эгаллашига педагогика коллежидаги педагогик таълим жараёнини тубдан қайта қуриш, уни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ёрдамида эришиш мумкин.

Бошланғич синфларда таълим жараёнининг ижодий шаклларида фойдаланишни, уни илғор педагогик технология асосида ташкил этишни, мутахассис тайёрлаш ишини мактаб билан мустаҳкам алоқада ташкил этишнинг зарурлигини белгилайди.

Тадқиқотимиз давомида кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришнинг янги шакл ва усулларида фойдаландик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.:Ўзбекистон. 1995.-269 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.- Т.:Ўзбекистон, 1992.-78б.
3. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.:Шарк, 1997.- 64 б.
4. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.:Ўзбекистон. 1998.- 480 б.
5. Баркамол авлод орзуси ("Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар).- Т.:Шарк, 1998.- 184 б.
6. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.-Т.:2003.- 174 б.
7. Ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналари.- Т.: Фан. 1990.-172 б.
8. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии. –М.: Педагогика. 1989.-168 с.
9. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения –М.: ИРПО. 1996.-336 С.
10. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. –М.: Педагогика. 1989.-168 с.
11. Беспалько В.П. Теоретические основы стандартизации образования // Педагогическое обеспечения государственного стандарта образования.- М.: ИРПО. 1994. с. 3-42.
12. Журавлев В.И. Педагогика в системе науки человеке. - М.: Педагогика. 1990. - 168 с.
13. Жўраев Р.Ҳ.РахимовБ.Х., Холматов Ш. Янги педагогик технологиялар. Муаммоли таълимга асосланган ўқув–методик қўлланма.-Т.: Фан 2005.- 66 б.

14. Зарипов К. Янги педагогик технологияни татбиқ этиш босқичлари. // Халқ таълими. 1997. № 4. 4-12 б.
15. Магзумов П.Т., Рўзметов Ф. Формирование у учащих потребности в трудовой деятельности. 1991. -84с
17. Мавлонова Р. ва бошқалар. Меҳнат таълими методикаси. - Т.: Ўқитувчи. 1986. - 248 б.
18. Мавлонова Р. Меҳнат 3-синф ўқувчилари учун дарслик. - Т.: Меҳнат. 1993. - 128 б.
Мавлонова Р. Меҳнат. 4-синф ўқувчилари учун дарслик - Т.: Меҳнат. 1995. - 19 160 б.
- 20 Мазур В.А., Давидова Л.Г. Миллий ҳунарманчиликка ўқитиш жараёни ва уни ташкил қилиш (методик тавсиялар, русчадан Б. Рахимжонов тарж.) – Т.: НИИПО. 1996. -18 с.
21. Меҳнат таълимидан умумий ўрта таълим мактаблари учун давлат таълим стандартлари. Таълим тараққиёти. IV махсус сон. 1999.

ИНТЕРНЕТДАН ОЛИНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Боб кизлик. Лессон Планнинг, Лессон План Формац анд Лессон План Идеас.. [www. АДПРИМА com.](http://www.АДПРИМА.com)
2. Околелов О.П. Дистанционное обучение: сухность, дидактические особенности технологии. хтлп: // [www. липецк. ру / леги](http://www.липецк.ру/леги)

**5141600-БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА СПОРТ-ТАРБИЯВИЙ ИШ
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ УЧУН Усмонов Шералининг «Баркамол авлодни
шакллантиришда меҳнат тарбиясинин ўрни» мавзусидаги БМИ
га илмий раҳбар берган**

Х у л о с а

Мустақил Ўзбекистонинг маънавий соғлом ёш авлодлари, миллатнинг бўлажак ватанпарварлари, миллий ғурур, одоб, виждонийлик соҳибларини тарбиялаш вазифаси долзарб масалалардан биридир. Бу

республикамизнинг миллий истиқлоли, мафкураси таълим муассасалари олдига қўйган долзарб буюртма бўлиб турибди.

Жумладан президентимиз И.А. Каримов томонидан 2010 йили “Баркамол авлод” йили деб эълон қилинганлиги бежиз эмас. Шу билан биргаликда юртбошимизнинг қатор асарларида ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш олға сурилган масалан, Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, Маънавий юксалиш йўлида ва бошқа кабилардир.

Баркамол авлод орзуси (“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар). Баркамол шахс ва малакали мутахассисларни тарбиялаш жараёнининг муваффақияти учун замин яратувчи омиллар сирасида маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган, мутахассислик фанлари асосларини пухта ўзлаштирган, шунингдек, педагогик маҳоратга эга ўқитувчиларни тайёрлаш алоҳида ўрин тутди. Ўқувчи шахсининг касбий билим олишдаги йўналишни ихтиёрий танлаши учун шароит яратишда, аввало, уни эркин фикрловчи шахс сифатида шакллантириш муаммоси ҳал этилиши лозим бўлади. Ўқувчиларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавияти ва ижодкорликий маданиятини бойитиш кўп жиҳатдан ўқитувчида шаклланган ижодкорликий ижодкорлик сифатларига боғлиқ. Ҳар қандай ижодкорликка, айниқса, ижодкорликий йўналишдаги ижодкорликка раҳбарлик қилиш ўқитувчидан мукамал ижодкорликий билим ва малакаларни талаб этади.

Битирув малакавий ишда ыуйидаги масалалар ҳал этилган.

1. Баркамол авлодни шакллантиришда меҳнат тарбиясини амалга оширишнинг назарий-методологик асосларини белгилаган.
2. Бошлангич синфларда меҳнат таълимини ўқитишнинг шакл ва методларидан фойдаланишнинг синфларда методларидан фойдаланишнинг педагогик моҳиятини аниқлаган.

3.Бошланғич синфларда интерфаол методларини ташкил этишнинг объектив ва субъектив омилларини аниқлаган.

4. Тажриба синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказишш методикасини ишлаб чиқилган.

БМИ тажриба синов ишлари ўтказилган.Хулоса яхши берилган.Иш жуда ҳам яхши ёритилган ДАС талабларига жавоб беради. Ҳимояга тавсия этаман.

Илмий раҳбар:

Гулистон пед.кол.
Мамарахимов Ш.

5141600-БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА СПОРТ-ТАРБИЯВИЙ ИШ
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ УЧУН Усмонов Шералининг «Баркамол авлодни
шакллантиришда меҳнат тарбиясинин ўрни» мавзусидаги БМИ га
берилган

такриз

Баркамол авлод орзуси ("Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар). Баркамол шахс ва малакали мутахассисларни тарбиялаш жараёнининг муваффақияти учун замин яратувчи омиллар сирасида маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган, мутахассислик фанлари асосларини пухта ўзлаштирган, шунингдек, педагогик маҳоратга эга ўқитувчиларни тайёрлаш алоҳида ўрин тутди.

Зеро, ёш авлодни ҳар жиҳатдан камол топтириш, уларда муайян касбий фаолиятни олиб бориш лаёқатини шакллантириш ҳамда унинг етўк мутахассис бўлиб етишишида таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар ўзига хос рол ўйнайди.

Меҳнат тарбияси унинг аҳамияти тўғрисида қомусий мутафаккирларимиз Ибн Сино, Фаробий, Нақшбандий, Кайковус, А.Навоий, Термизий каби алломаларимиз ўз асарларида меҳнат тарбиясини улуғлаб, ёшларни меҳнат қилишга, меҳнатнинг инсон фаолиятида ўрни ҳақида фикр билдиришган. Усмонов Шералининг «*Баркамол авлодни шакллантиришда меҳнат тарбиясинин ўрни*» мавзусидаги БМИ долзарб масалалардан ҳисобланади. Педагогик тажриба-синов ишлари ёрдамида ўқувчиларни ижодкорлик-хунарга йўналтиришнинг самарадорлик даражасини аниқлаш ва уларнинг янги педагогик технология тизимини ишлаб чиқилган.

Тажриба синов ишларини ташкил этиш ва уни ўткази методикасибаён қилинган. БМИ тажриба синов ишлари ўтказилган. Хулоса яхши берилган. Иш жуда ҳам яхши ёритилган ДАС талабларига жавоб беради. Ҳимояга тавсия этаман.

Илмий раҳбар

доц. П. Холматов

